

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Олим ПАРДАЕВ,
Озода ПАРДАЕВА

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Мамаюнус Пардаев, Олим Пардаев, Озода Пардаева

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Самарқанд – 2020

Пардаев М.Қ., Параев О.М., Параева О.М. Ўзини ўзи банд қилиш йўллари. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 72 бет.

Такризчилар:

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Д.К.Усманова – СамДУ кафедра мудири, и.ф.н., доцент

У.Х.Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Услубий тавсияда ўзини ўзи банд қилиш масалалари ва буни қандай амалга ошириш йўллари аниқ маълумотлар ва меъёрий хужжатларни қўллаган ҳолда ёритилган. Ушбу тадбирни амалга ошириш масалалари аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, ушбу ишда қайси хизмат ёки фаолият турлари (бугунги кунда уларнинг сони 64 та) бўйича ўзини ўзи иш билан банд қилиш мумкинлиги ҳам қараб чиқилган. Шунингдек, ушбу йўналиш бўйича муаллифлар томонидан илк бор ишлаб чиқилган “Ўзини ўзи банд қилишнинг 7Р модели” ҳам ишда ўз аксини топган. 7Р моделининг мазмуни тараққиётни таъминлаш учун бири бири билан боғлиқ етти та сўз ва категориядан иборатлиги изоҳланган.

Услубий тавсия олий ўқув юртлири талабалари, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган. Бундан докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш истагида юрган ва масаланинг турли жиҳатларига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий тавсия Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий услубий кенгашида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган. (№1. 29 август 2020 йил)


© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020.

© М.Қ.Пардаев, Олим Пардаев, Озода Пардаева, 2020.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 5 январдаги Фармонида ўзгартириш киритиш тўғрисида фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнь “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июнь “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июль “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрь “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирларитўғрисида”ги қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур услубий тавсия муайян даражада хизмат қилади.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда, мазкур мавзунинг долзарблиги, аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиш заруратини бугунги кун талабидан қилиб қилинган ҳолда асослашдан иборат. Чунки:



мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларда, ишсизларнинг мавжудлиги ва янги иш ўринларининг яратилишига бўлган эҳтиёжнинг ҳам мавжудлиги;

... оила аъзоларининг кимгадир ёлланиб ишлашни ўйлаганидан кўра, ўзларига ўзлари иш ўрнини яратиб, ўзлари фаолият кўрсатишга бўлган иштиёкнинг шаклланиши;

... меҳнат қилиш қобилиятига етган, ўқув юртини тугатган ёшларнинг ўзларини ўзлари иш билан банд қилиш орқали ишсизлик муаммосини ҳал қилиш заруратининг мавжудлиги;

... иқтисодий соҳасини ҳам ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) натижасида жамият эҳтиёжига хизмат қилиши, маҳсулот (иш, хизмат) сотиш натижасида турли солиқлар ва мажбурий тўловларни амалга ошириш орқали давлатга манфаат келтириш зарурати;

ҳар бир меҳнатга қобилиятли оила аъзоларининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш орқали иш фаолиятини йўлга қўйиш натижасида, даромад қилиб, фойда олиш оқибатида оиласини тегишли маблағ билан таъминлашга эришиш ва шу йўл билан оила фаровонлигини ошириш лозимлиги;

ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг тарбиявий аҳамиятини кучайтириш эвазига оила аъзоларини қарамликдан (ёлланиб ишлашдан) холи, ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаш учун ташаббускорлик ва бунёдкорлик руҳиятини шакллантиришнинг ҳам объектив зарурлиги;

иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг юксалишга тўсиқ бўлиб келаётган оила аъзоларидаги бефарқлик ва боқимандалик руҳияти билан боғлиқ омилларга барҳам бериш натижасида оилаларнинг нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарурлигини англаш кабилардан иборат.

Услубий тавсиянинг мақсади бевосита бугунги кун талабидан келиб чиқиб, аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойилидан фойдаланган ҳолда оила аъзоларини ёлланиб ишлашдан холи руҳиятни шакллантириш, бефарқлик ва боқимандалик инсонга ёд эканлигини амалда сингдириш натижасида, уларда иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ўнглашга, ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ва самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббускорликни ва бунёдкорлик кайфиятини шакллантиришдан иборат.

1. ЎЗИНИ ЎЗИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МОҲИЯТИ

Мамлакатимизда шундай аҳоли қатлами мавжудки, улар орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмасдан юрган, доимий иш ҳақиға эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчилиكنи ташкил этади. Аммо уларнинг фаолияти йиллар давомида ҳеч қаерда қайд этилмасдан келинди. Бу эса шу тоифадаги аҳолининг пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосини келтириб чиқарди. Булар бирор жойда фаолият кўрсатади, даромад топади, аммо расман қайд этилмагач бундай шахслар ишсиз ҳисобланади. Бундай шахслар ишлаб иш билан банд эмас ва ишсиз ҳам эмас. Буларни аҳолининг қайси қатламига киритиш лозим, деган савол кўндаланг бўлиб қолди.

Бундай аҳоли қатлаmidан ўзини ўзи иш билан банд қилганлар қатламини ташкил қилиш ҳақида масалани кўтарган эдик¹. Ушбу тавсиямизга ҳамоҳанг ҳолда 2019 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги ПҚ-4227-сон қарорининг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлда “Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида”ги 566-сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсад қилиб олинган эди. Бунга мувофиқ 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуқи берилишини назарда тутадиган тартиб жорий қилинди.

Ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли қатлами “меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга

¹Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.

хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари (кейинги ўринларда меҳнат гувоҳномалари деб аталади) бериладиган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланади² дейилган. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси меҳнат органи томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар, фаолият кўрсатаётган жойида пулли асосида берилади. Демак, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳолига:

- расман ёлланиб якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган;
- ўзи ишлаб, бировнинг меҳнатидан фойдаланмайдиган бўлиши;
- жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этадиган;
- иш ва хизматларни кўрсатишда фаолиятини мустақил амалга оширадиган;
- шу йўл билан даромад топадиган;
- вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериладиган шахслар киради.

Юқоридаги принцип асосида вақтинчалик берилган меҳнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб пенсияни ҳисоблаб чиққанга қадар амал қилади ва ушбу ҳужжат унинг меҳнат стажига асос бўлиб ҳисобланади. Ўзини ўзи банд қилган мақомига эга бўлган бундай фуқароларни ташкилотлар томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Фақат битта хусусияти, бундай фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди. Демак, буларга тўланган иш ҳақи, умумий иш ҳақи фондига киритилмайди.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон

Юқоридаги ҳужжатда “вақтинчалик меҳнат гувоҳномадари берилганлиги учун тўлов ундиришдан тушган маблағларнинг 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳисобига, 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб аталади) ва 20 фоизи туманлар (шаҳарлар) бюджетларига йўналтирилади”³, деб кўрсатилган. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро юқорида номи зикр этилган ҳужжатга асосан вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизга тўланадиган ишсизлик бўйича нафақани ва касбга ўқиш даврида стипендияни ололмайди.

Бугунги кунда ушбу тартибга ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳолига янада қулайликлар туғдирилди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га ПҚ-4742-сонли қарори эълон қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланган. Ушбу ҳолат ўзини ўзи иш билан таъминланган аҳолининг даромадларидан солиқ ушланмайди. Бу ҳам аҳолига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қўшимча имконият бўлиб ҳисобланади. Шу йўл билан ҳам аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади.

Ўзини ўзи иш билан банд қиладиган аҳолига яна бир қанча қулайликлар яратилган. Хусусан, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида амалга оширилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахсларга

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон

рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берилади. Бу ушбу шахсга махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Агар шундай бўлса, олдинги қарор билан белгиланган вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади.

Амалдаги тартиб бўйича, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан ва топган даромадидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади. Шу билан бирга ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади. Бундай шахсларда имкониятлар пайдо бўлиши билан тадбиркорлик фаолиятини очиб, аҳолининг тадбиркорлик қатламига ўтиши мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янгиланиш жараёни давом этмоқда, яъни шу пайтгача кўникиб қолинган кўп-кўп нарсалардан воз кечилиб, ўрнига тамоман бошқача ҳаёт тарзини жорий этишга киришилмоқда. Чунки ушбу жараён дунёнинг глобаллашуви, мамлакатларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Бизнинг ҳам янгича яшашга ўтмасак имкониятимиз йўқ. Бу ҳақда таниқли олим Султонмурод Олим қуйидагича таъкидлайди: “Янгича яшашга ўтмасак, бўлмайди. Чунки юртимиз теурийлар салтанати мағлубиятга учраган даврлардан илғор дунёдан орқада қолишни бошлаган. Хусусан, Ҳиндистонга Европадан денгиз йўлининг очилиши билан, XVI аср бошларидан амалда Буюк ипак йўлининг аҳамияти йўқолди. Бу йўл бизни Ғарб ва Шарқ тараққиётининг “олтин халқа”сига айлантирган эди. Биринчидан, у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа ўтаётган қарвонларга хизмат қилар эдик. Иккинчидан, улардан нималарнидир сотиб олиб, эвазига ўзимизда ишлаб чиқарилган нимамизидир сотар эдик. Учинчидан, шу тариқа маданиятлару тамаддунлар алмашинуви содир бўлар, бундан ҳамма ютар эди. Тўртинчидан, худди ана шу омиллар халқимизнинг

дунёдан орқада қолмаслигини таъминлаб турар эди”⁴. Эндики, тан олиб айтиш керак, жуда кўп омиллар эвазига, биз дунёдан орқада қолиб кетдик.

Бунинг бир қанча йўллари бор. Булардан бири Президентимиз таъкидлаганидек, фрилансинг усулидир. Бундан келиб чикиб, ушбу тушунчага тўхталишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик.

2. ФРИЛАНСИНГ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ

Бир пайтлар дунё тамаддуни пайдеворини қўйган халқ бугун тамаддун бобида ҳам орқада қолишга ҳақи йўқ. Эндиликда тамаддун бўйича жаҳондаги илгор давлатларни қувиб орқасидан етиб, улардан ўтиб кетишимиз лозим. Бу албатта ўз ўзидан содир бўлмайди. Бунга интилиш, интилиш ва яна интилиш билан яшашни ўрганишимиз лозим. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарорида ўзини ўзи банд қилган шахсларни фрилансинг, деб аталиши ва мос равишда уларга бир қанча ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилган. Фрилансинг атамасининг мазмуни нималардан иборат, деган саволга жавоб беришга киришишдан олдин унинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиши зарур.

Ҳазирги пайтда мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт жадаллик билан жорий қилинаётган бир паллада интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар пайдо бўлмоқда. Булар моҳияти жиҳатидан фрилансинг, деб номланган. Ушбу субъектлар томонидан кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш тартиби⁵ жорий қилинган. Ушбу ишларни “контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий

⁴Султонмурод Олим. «Фрилансинг» ёхуд Янгича яшашга ўтмасан бўлмайди. 7 077 ЎЗА
<https://uza.uz/oz/society/frilansing-yekhud-yangicha-yashashga-otmasak-b-olmaydi-09-03-2020>

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори./Қонуни ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон

таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда такдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш)" амалга ошириш мумкинлиги ҳам қайд этилган.

Энди икки оғиз гап фрилансер (фрилансинг) ҳақида. Фрилансинг инглиз тилидан олинган бўлиб, эркин ходим (эркин ишчи) маъносини англатади. Бундай ходимлар ўзларининг ишларини (хизматларини) масофадан туриб ахборот коммуникация ресурслари, оммавий ахборот воситалари ва ўзларининг шахсий узатув воситалари ёрдамида ўзлари тавсия қилади. Бу хизмат бировларнинг иштирокисиз икки томонлама амалга оширилади. Шу туфайли бу икки томонлама манфаатдорликни ҳам таъминлайди. Иш берувчи махсус штатни ушлаб турмайди, фақат ўзига керак нарсани ўзи хоҳлаган паллада, келишган нархда амалга ошириши мумкин. Бу иш бажарувчига (фрилангсингга) ҳам манфаатли. Чунки у ўзи келишиб, ўзи бажариб, даромадини ҳам ўзи ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги пайтда бундай хизмат турлари Ғарбий Европа ва АҚШда кенг тарқалган. Бундай хизматга бизда ҳам эҳтиёжлар бор. Демак, бизда ҳам ривожланади.

Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш масаласи қўйилган. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлдан бошлаб, ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун тегишли мобиль иловани ишлаб чиқиб, жорий қилишга муваффақ бўлди. Бунда юқоридаги қарорда кўрсатилган қуйидаги ишлар амалга оширилади:

“бўйртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни такдим қилиш;

мобиль илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш”⁶.

Булардан ташқари жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда юридик шахслар – тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш лозим бўлади. Агар унинг катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Агар якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш лозим бўлса, уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда якка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда бериладиган тартиб ўрнатилган.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар, яъни фрилансинглар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлашлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Келажакда, аниқроғи 2021 йилдан бошлаб инновацион ва рақамли иқтисодиётни жорий қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан, уларга тегишли имконият яратил учун ахборот-коммуникация ресурсларидан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган «Бизнес навигатор» ахборот тизими жорий қилиниши кўзда тутилган. Бунда:

“тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш”⁷ масалалари ҳам кўзда тутилган.

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган, фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб белгиланган. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи сифатида эътироф этиш ҳам қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб боровчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ қилиш масалалари ҳам назарда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар “Камбағалликни қисқартириш дастури” лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Камбағалликни қисқартириш фақат истаклар билан ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун аҳоли янгиликларга қўниқиши, янгиликлар билан бирга қадам ташлаши, янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи ҳалқа, яъни бевосита иштирокчи бўлиши шарт. Шундагина одамларнинг ўзлари ҳам такомиллашади, замонавийлашиб боради, камбағалликни ортда қолдириб, маълум маънода бойлик томон илгарилашиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг моҳияти ҳамон тўлиқ очиб берилмаган ва янги тушунча бўлган фрилансинг тушунчасининг мазмуни ҳақида деярли тадқиқот олиб берилмаган экан. Буларни инобатга олиб, ўзини ўзи иш билан банд қилиш ва фрилансинг тушунчаларининг мазмуни расмий манбаларга таянган ҳолда очиб берилди ва уларни амалга ошириш механизмлари ёритилди. Биз ишлаб чиққан тавсияларнинг

⁷Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гуваҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.//Қонуन ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон.

амалиётга жорий қилиниши, мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақиятли бажарилиши билан боғлиқ устувор вазифаларнинг ҳал қилинишига хизмат қилади.

3. ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ 7P МОДЕЛИ

Мазкур мавзуга оид адабиётларнинг таҳлиliga назар соладиган бўлсак, бу борада аниқ айнан шу мавзуга бағишланган илмий асарларни учратиш имкони бўлмади. Аммо ушбу йўналишга қаратилган ҳолалар мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида кўриш мумкин. Бу борада 2012 йил 16 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Охириги ўзгаришлар 2015 йил 26 июнда амалга оширилган) келтириш мумкин. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бевосита оилавий тадбиркорликни ташкил қилишнинг илк ҳуқуқий асоси эди. Аммо бунда ўзини ўзи банд қилиш масаласи очик ва аниқ ифода этилган эмас эди. Бироқ, оилавий тадбиркорлик моҳиятан ўзини ўзи иш билан банд қилишга яқинлиги билан ажралиб турарди.

Мазкур масала Президентимизнинг қарор ва фармонларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида ушбу масалага ойдинлик киритди. Иш билан бандлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгилаб берилди. Мумтоз адабиётларда бандлик масаласи Кейнс Дж. “Общая теория занятости процента и денег”, Й.Шумпетернинг “Теория экономического развития” асарларида ҳам қаралган эди. Мамлакатимиз олимларидан Г.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, У.Х.Худойбердиев, О.М.Пардаевлар томонидан “Оилавий корхона иқтисодиёти” номли монографиясида, Г.М.Шодиёеванинг “Оила ҳўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг

ечимлари” номли монографиясида, М.Қ. Пардаев, Ш.Олтаев, О.М.Пардаева, Н.Б.Тагироваларнинг “Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини-ўзи банд қилиш имконияти” номли амалий тавсияларида нашр қилинган.

Ўзини ўзи иш билан таъминлаш жараёнида методологик асос сифатида мантикий таҳлил, анализ ва синтез усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки иктисодиётнинг жадал ривожланаётган шароитида ҳар бир субъектнинг ривожланиши маълум омилларга боғлиқ бўлади. Шу туфайли ўзини ўзи иш билан таъминлаш жараёнида фойдаланилган 7P моделининг асосий йўналишлари мантикий таҳлил усуллари кўллаб ёритилди.

Амалий тавсиянинг мазмуни мамлакатимизда иктисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири аҳолини ўзини ўзи иш билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли дастурларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беришдан иборат. Зеро, бу тадбирларнинг бевосита аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашга қаратилганлиги аҳолини иш билан банд қилишнинг бошқа йўналишларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ўзини ўзи банд қилиш тамойилларига асосланиб иш кўришида намоён бўлади.

Ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг характерли хусусиятларидан бири шу йўл билан бугунги кундаги энг муҳим муаммолардан бўлган ишсизликни ва камбағалликни қисқартиришга ҳам хизмат қилади. Ақл билан иш кўрилса, катъий ойлик маош белгиланган бўлмаса, “топганинг ўзингники” бўлса, албатта ақл билан ишлаган ҳар қандай киши ўзига етарли ва маълум даражада захира қиладиган маблағни топишга ҳаракат қилади. Шу тамойил билан ишлаш эса, ўз навбатида камбағалликни қисқартириб боради.

Ҳозирги шароитда деярли барча жараёнларга, шу жумладан, илмий тадқиқотларга ҳам инновацион усулларни кўллаб ёндошишни тақозо қилмоқда. Зеро ҳозирги вазиятда рўй берган инкироз асоратларини енгиб, кескин ривожланиш босқичига ўтиш заруратини туғдирмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда жуда кўплаб чоралар билан бир қаторда аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилиш масаласи устуворликни талаб қилади. Бунинг жуда кўплаб усуллари ва йўллари мавжуд. Улардан бири сифатида биз

томонимиздан ишлаб чиқилган 7P модели энг самарали усуллардан бири, деб эътироф этамиз. Шу туфайли бугунги кунда, хорижий алоқаларимиз ҳам бироз сусайган паллада ушбу усулдан фойдаланишни тавсия қиламиз. Ушбу моделнинг мазмуни ўзини ўзи иш билан банд қилишни таъминловчи омилларининг бир-бири билан боғлиқлигини ифода этиши билан аҳамиятлидир.

Ўзини ўзи иш билан банд қилишда ва уни амалга оширишда бир қанча предметлардан фойдаланган ҳолда тегишли жараёнларнинг ҳам содир бўлишини тақозо қилади. Бунда иштирок этадиган барча атамаларнинг бош ҳарфлари битта “P” билан бошланиши туфайли буларнинг кетма-кетлиги ўзига хос тарзда шакллантирилди. Булар таркибига, **рухсат, ресурс, режалаштириш, рентабеллик, рағбатлантириш, руҳлантириш, ривожлантириш** билан боғлиқ еттита сўз киритилган. Буларнинг еттитасининг ҳам бош ҳарфлари “P” билан бошланганлиги учун уни ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг “7P модели”, деб номладик. Буларнинг изохи қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг 7P моделининг
йўналишлари ва уларнинг мазмуни

Т/р	Йўналишлар	Изох
1.	Рухсат	Ўзини ўзи иш билан таъминлашда тадбиркорликни бошлаш учун тегишли ташкилотлардан (давлат хизматларидан) рухсат олишлари лозим.
2.	Ресурс	Ўзининг фаолиятини бошлаши ва давом эттириши учун керакли миқдорда ўзининг ресурсига (моддий, молиявий, интеллектуал) эга бўлиши керак.
3.	Режалаштириш	Қайси фаолият билан шугулланса ҳам бизнес-режа тузилган бўлиши, бунда нима ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиши), қанча, қачон ва қандай ишлаб чиқарилиши хусусида саволларга аниқ жавоб бўлмоғи лозим.
4.	Рентабеллик	Албатта фаолият натижаси маълум миқдорда фойда олишликни таъминламаса, ишнинг


		давом этиши мураккаб бўлиб қолади. Шу туфайли имкон қадар юқори рентабеллик даражасига эга бўлиш лозимлигини ҳам тақозо қилади.
5.	Рағбатлантириш	Рентабелликка эришган тадбиркор албатта рағбатлантириш имкониятига эга бўлади. Ўзини ўзи иш билан таъминлаган тадбиркорнинг ўзига ҳослиги ҳам шундаки, у энг аввало, ўзини рағбатлантиради.
6.	Рухлантириш	Ўзини ўзи иш билан таъминлаган шахс бир вақтнинг ўзида мулк ва меҳнат эгаси ўзини рағбатлантиргач албатта рухланади. Бу рухланиш ўз фаолиятининг янада самарали давом этишини таъминлайди.
7.	Ривожлантириш	Буларнинг ҳаммаси ўзини ўзи иш билан таъминланган субъект фаолиятини самарали амалга оширади ва шу орқали жадал ривожланишини таъминлайди.

Одамлар ўзларини ўзлари иш билан таъминлаши учун энг аввало тегишли рухсатнома олади. Тегишли ресурсларга эга бўлгач ўз фаолиятини мукаммал ҳолда режалаштириб олади. Режада албатта фойда олиши кўзда тутилган бўлади. Бунга эришгач, бундай кишилар шахсий қониқиш ҳосил қилган ҳолда ўзини-ўзи тақдирлаган бўлади. Демак, ушбу жараённинг ўзига ҳос хусусиятларидан бири, ўзи ишни ташкил қилади, ўзи ишлайди ва лозим бўлган ҳолларда, бошқаларни ҳам ишлатади, қилинган даромади, олган фойдаси эвазига ўзини ўзи моддий жиҳатдан рағбатлантиради. Натижада моддий бойлик орттириш билан бирга маънавий қониқишни ҳам ўзига ўзи ташкил қилади. Бу унинг роҳатланишини, ҳаётдан розилигини таъминлайди. Бундай кишилар фаолиятида натижадорлик кучли бўлади ва мос равишда ривожланишни таъминлайди. Буларнинг қисқача изоҳига тўхталамиз.

Биринчидан, ҳозирги пайтда ўзини ўзи иш билан банд қилиш учун ўзи танлаган тадбиркорликка тегишли идоралардан, яъни давлат хизматларини кўрсатувчи муассасалардан белгиланган

рухсатномалар (лицензиялар) олишни тақозо қилади. Аммо кўп ҳолларда рухсат олмасдан ўзларига қулай тадбиркорлик билан шуғулланаётган одамлар ҳам кам эмас. Аммо улар тегишли рўйхатдан ўтиб белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаган ҳолда фаолият олиб борадиган бўлса, улар расмий иш билан бандларга киритилади ва эртанги кунда тегишли тартибда Давлат пенсияси билан ҳам таъминланади. Бундай ҳолатга қийинчиликларсиз эришиш учун аҳолининг маънавиятини юксалтириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда мулк Аллоҳники, унга омонат эканлигини, унинг маълум қисми (солиқ, закот кабилар) бировнинг ҳақи эканлигини яхши тушуниб етишлари керак. Шундагина мамлакатимизда ҳозиргача мавжуд бўлиб келаётган хуфёна иқтисодиёт барҳам топади ва одамларнинг иймон-эътиқоди тикланиб, маънавияти юксалади.

Иккинчидан, ўзини ўзи банд қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эркин фаолиятини таъминлаш учун тегишли ресурсларни ҳам ўзи топиш ва таъминлаши лозим бўлади. Бундай шароитда ўзини ўзи банд қиладиган кишининг энг аввало, ўзига тегишли ресурслари бўлишлигини тақозо қилади. Агар у деҳқончилик билан шуғулланадиган бўлса, ер ресурсига, тадбиркорликнинг бошқа йўналишлар билан шуғулланадиган бўлса, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларига эга бўлиши лозим. Ўзини ўзи банд қилиш учун ресурсларнинг қандайлиги, уларнинг фаолиятига боғлиқ. Уларга бино, тегишли жихозлар, ходимнинг билими – интеллектуал ресурс, асбоб-ускуналар керак бўлади. Агар булар етарли бўлмаса, айримларини харид қилиш учун маблағ керак бўлади. Бу маблағ ўзида етарли бўлмаса турли манбалардан кредит олишлари мумкин. Бунда тегишли инвестиция талаб қилинади. Маълумки, “инвестиция қилинган сармоя” атамаси ўзини ўзи банд қилган кишининг ўз фаолиятини ташкил этганда сарфланган харажатларини билдиради. Бу харажатлар тез ва самарали қоплансагина эгасини қаноатлантиради. Алоҳида қайд этиш жоизки, Самарқанд шаҳрида ўзини ўзи иш билан таъминлаётган кўплаб кишилар қаторига “Самарқанд нони”ни ишлаб чиқараётган оилаларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг касби ва бандлиги авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Буларнинг ҳамма нарсаси ўзиники, яъни сармоядан ториб, фойдасигача.



Учинчидан, ўзини ўзи иш билан банд қилиш тамойилининг бир йўналиши ўзининг фаолиятини ўзи мустақил равишда режалаштиришдир. Ўзини ўз иш билан таъминлаган одам ўз билимини, кўникмасини ва қобилиятини ўзи хоҳлаган тарзда қўллаши мумкин. Шу туфайли ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб, қайси фаолият билан шуғулланса шу соҳа бўйича аниқ бизнес-режа тузилган бўлиши, бунда нима ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиши), қанча ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиши), қачон ва қандай ишлаб чиқарилиши (хизмат кўрсатиши) хусусида аниқ тадбирлар белгиланган бўлиши лозим. Бу борада ҳам бошқа ёлланиб ишлайдиганларга нисбатан ўзини ўзи банд қилган одамлар кўпроқ эркинликка эга бўлади. Чунки ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўз ихтиёри билан ташкил қилинган ишда ихтиёрийлик, яъни эркинлик ҳукм суради.

Тўртинчидан, мазкур тамойилга дахлдор яна бир йўналиш ушбу шахснинг кўпроқ фойда олиши эвазига рентабеллигини муттасил оширишда намоён бўлади. Бу барча харажатларни қоплагандан кейин қоладиган даромаднинг бир қисмидир. Фойда ишни ташкил қилган шахснинг ўзига қолади. Жуда кўп ҳолларда ишни ташкил қилган одамга кўпроқ вақт ва кўпроқ ҳаракат қилишини тақозо қилади. Бундай ҳолат ҳам ихтиёрийлик асосига қурилганлиги туфайли ҳам завқлидир. Бирок инсон бошқа бировларга ишлаганида бундай ҳолат камдан-кам учраши мумкинлиги ҳаммага аён. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бировга ёлланиб ишлаган кишилар маълум иш вақтининг тугашини кутиб ишлайди. Ўзи ташкил қилган ишда эса, иш вақти аҳамиятли эмас, асосий эътибор натижадорликка қаратилган бўлади.

Бешинчидан, ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири ўзини ўзи рағбатлантиришидир. Ўзини ўзи банд қилган одамлар маълум даражада ўзини нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантиради. Зеро, унинг ҳеч кимга тобе бўлмаганлиги туфайли мавқеи ҳам баланд бўлади. Ўзини ўзи рағбатлантирилиши шунда намоён бўладики, бундай кишиларнинг барча олган фойдасининг солиқ тўлангандан кейинги қисми ўзларига қолади. Албатта, бу қанча кўп бўлса, шунча қулайлигини инкор қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган одамлар истеъмолчилар билан ўрнатган алоқалари, агар истеъмолчиларга маъқул бўлса, оғзаки мақтовлар эшитишлари, уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида

ёритилиши туфайли, жамоатчилик диққатини жалб этади ва эътирофга сазовор бўлилади. Бунинг натижаси сифатида, улар кўпгина бошқа ишлаётганлардан юқорироқ мавқега эга бўлиб, бундан шахсий қониқиш олиб, ўз касбининг натижасидан роҳатланиб ҳам маънавий рағбатга сазовар бўлиши мумкин. Одам ўзини ўзи иш билан таъминласи моддий ва маънавий натижага эришгунча маънавий қониқишни қўлга киритиши мумкин. Чунки у бошқа бирор корхонада ишласа, ўзини ўзи тақдилагандек, тақдирланмаслиги мумкин эди. Шу туфайли ҳар бир одам ўзи хоҳлаган ва танлаган иш билан шугулланишининг ўзи, унинг рағбатлантирилганлиги бўлиб ҳисобланади. Бундай кишилар ўзларини ўзлари ҳар кун тақдирлаб борадилар. Агар бирорта меҳнат жамоасида фаолият кўрсатилганда маълум давр, яъни ҳисобот даври натижалари бўйича рағбатлантирилиши мумкин эди. Шу туфайли одамларнинг ўзларини ўзлари иш билан таъминлаши натижасида ўзларининг бор имкониятларини сафарбар қилиш учун ҳам катта шароит бўлиб ҳисобланади.

Олтинчидан, ушбу тамойилларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга. Улардан бири ўзини ўзи руҳлантиришдан иборатдир. Руҳланиш натижасида шахсий қониқиш ҳосил бўлади. Инсоннинг табиати шундай, у қаерда ишламасин, қаерда яшамасин, энг аввало, кўтаринки руҳ билан шахсий қониқиш ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Аммо бунга меҳнат жамоаларида жуда яхши ишлаб ҳам эриша олмаслиги мумкин. Чунки меҳнат жамоаларида ҳамиша ҳам маънавий муҳит соғлом бўлмайди. Аммо одам ўзи хоҳлаган ишни ўзи қилса ва ундан маълум даражада манфаатдорлик таъминланса, жуда катта шахсий қониқиш ҳосил бўлади. Бундай ҳолат одамни руҳлантиради ва йирик ишларни амалга ошириш учун асос бўлиши мумкин. Ўзини ўзи банд қилиш одамга ҳар бир иш кунини ва вақтини тўғри тақсимлайдиган, ўзига роҳат бағишлайдиган ўз ишини завқ билан бажаришга сарфлашига имкон беради. Масалан, расм олишни яхши кўрган киши, хусусий фото студиясини ташкил этиши мумкин. Ҳар сафар миждоз ўз фотопортретидан қониққанини билдирганда, у ўз меҳнатидан шахсий қониқиш ҳис қилади ва маълум миқдорда хизмати учун ҳақ олиб, ўз манфаати йўлида ишлатади. Бу эса, ўзини ўзи иш билан банд қилиш орқали моддий манфаатдорликка эришишни ва маълум даражада маънавий қониқиш олишининг ҳам таъминланганлигини кўриш мумкин.

Еттинчидан, юқорида келтирилган еттита "Р" ҳарфига дахлдор сўзларнинг ҳаммаси ўзини ўзи иш билан таъминлаган субъект фаолиятининг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган омиллардир. Аниқ фаолиятга рухсати бор, тегишли ресурслари мавжуд бўлиб, у пухта режалаштирилган бўлса ва кўзда тутилган фойдани қўлга киритиб, юқори рентабелликка эришган бўлса, албатта бундай шароитда ходим ўзини ўзи рағбатлантиради. Маълумки, ҳар қандай рағбат кишини маълум даражада руҳлантиради. Ўз ишидан ҳаётидан руҳланган инсон ўз соҳаси бўйича жон жаҳди билан фаолиятини кенгайтиришга, уни ривожлантиришга ҳаракат қилиб яшайди. Шу орқали ҳар бир соҳада жадал ривожланиш таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳат, ўзини ўзи иш билан банд қилган одамнинг бандлик кафолатитаъминланади ва ундан эртага ишсиз бўлиб қолиш хавотири йўқолади. Бу ҳолат, инсонлар учун жуда муҳим, чунки кўпгина корхоналар бандлик кафолатини тўлиқ таъминлай олмайди. Иш кўлами қисқарса, корхона касодга учраса албатта ходимларни ушлаб туриш имконияти бўлмайди. Шу туфайли одамларнинг доимий иш билан таъминланган бўлишлигига истаги юқори бўлади. Бироқ ёлланган меҳнатда бунга эришиб бўлмайди. Бу эса одамларни ўзини ўзи иш билан бандлигини таъминлаш истагини туғдиради.

Ўзини ўзи иш билан банд қилган одамлар ишдан бўшатилиши, корхонадан ҳайдалиши ёки маълум ёшга етганда мажбурий тарзда ишдан пенсияга чиқариб юборилиши рўй бермайди. Демак, одамлар ўзларини ўзлари иш билан таъминласа, уларнинг иш жойи умр бўйи кафолатланган бўлади. Бундай шахслар ҳаётда жуда кўп бўлиши мумкин, аммо хунармандлар, художнилар, томорқа эгалари, миллий буюмларни ишлаб чиқарувчилар, гилам тўқийдиганлар, атлас, адрас ишлаб чиқарувчи каби кишилар ўзларини ўзлари кафолатланган иш билан таъминлаган шахслардир. Буларда беихтиёр ўзига ишончи орлади ва ички туйғуси ривожланади. Зеро, ушбу ишнинг бардавомлигига ишонч ҳосил қилиб яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини ўзи банд қилиш масаласи ҳам ўзига хос бандлик йўналиши бўлиб, жуда кўп ижобий йўналишларга ҳам эга. Айниқса, уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келиши ҳам таҳсинга сазовардир. Бугунги кунда жуда кўп

хунармандлар билан суҳбатлашсангиз бу бизга етти отадан мерос, деб фахр билан гапиради. Мен бир чўпонлар сулоласини биламан. Ҳозир ҳам улар нечанчи авлод эканлигини номаълум бутун авлоди чўпонлик билан шугулланган. Битта нарса аёнки энг каттаси яқинда 106 ёшгача яшади. Бойликлари ҳам ўзларига яраша. Муҳими улар ҳаминча соф ҳавода табиат кўйида яшашади.

4. ОИЛА ХЎЖАЛИГИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА БАНДЛИК МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур масала бўйича мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудуди бўйича ҳам кенг кўламли дастурлар тузилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Аммо шуларга қарамасдан бандлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Чунки, ҳар йили 500 мингдан зиёд ёшлар меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибига қўшилмоқда. Аммо яратилган янги иш ўринлари 350-400 мингтани ташкил қилади. Агар аҳвол олдингидек сақланиб қоладиган бўлса, ишсизлар сони йилдан-йилга ортиб бораверади. Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда барча банд аҳолининг камгина қисми олий маълумотли мутахассисларни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 32,8 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб, 35,0 %га етган⁸. 2019 йилда ҳам шу ҳолат деярли сақланиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткичнинг улуши 80-90 %ни ташкил қилади. Бундай шароитда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонликмуҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш бироз мураккаблашиб боравериши мумкин. Чунки, юқори маълумотга ва малакали мутахассисликка эга бўлмаган аҳоли инновацион иқтисодиётни шакллантириш бироз мураккаб. Шу туфайли меҳнатга қобилиятли аҳолининг таркибида олий маълумотли аҳолининг сонини кўпайтириш лозим бўлади.

⁸Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2018. – 30 бет.

Олий маълумотли кадрлар ўзларини ўзлари иш билан таъминлаш билан бирга кўшимча ишчи ўринларини ҳам яратиши мумкин. Шу туфайли меҳнатга қобилиятли аҳоли ўртасида олий маълумотли кадрларни кўпайтиришга эришишимиз лозим. Ҳозирги кунда бу борада бир мунча ишлар қилинмоқда. Олдинги йилларда олий ўқув юртларига 50-55 минг киши миқдорида квоталар белгиланар эди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, ушбу чегара кенгайтирилди. Бакалавриятга қабулнинг ўзи 80,0 мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, сиртқи ва кечки ўқув шакллари мавжуд. Ушбу ҳолат ҳам аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлик муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди⁹. Мазкур қарорга мувофиқ, 2019 йилда 370 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари мавсумий ва вақтинчалик ишларда 182 мингдан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланади. Жами 552 минг (370+182) аҳоли иш билан таъминланади. Булардан ташқари Давлат буюртмаси доирасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун эса 46 мингдан ортиқ иш ўринлари банд қилиб қўйилади¹⁰. Шундай қилиб, 2019 йил якунига қадар республика ҳудудидаги мавжуд ишсизлик даражаси ўсишининг олдини олиш, ишсизлик даражасини камайтиришга эришиш режалаштирилган. Белгиланган прогноз бўйича айрим ҳудудларда хусусан, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларида ишсизлик даражаси камайтириш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда оила аъзоларининг бандлик муаммосини ҳал қилиш учун ишга жойлаштиришда асосан учта йўналиш мавжуд:

- давлат корхона ва ташкилотларига жалб қилиш;
- тадбиркорлик субъектларида ишга жойлаштириш;
- ўзини ўзи иш билан таъминлаш.

Барча йўналишлар бўйича ишга жойлаштиришда асосан эътибор олий маълумотли мутахассисларга қаратилган. Бундай ходимлар асосан давлат корхона ва ташкилотларига жойлаштиришга ҳаракат қилинади. Олий маълумотли мутахассисларнинг бир қисми тадбиркорлик фаолияти билан

⁹ Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали хабарига кўра берилмоқда.

¹⁰ Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали хабарига кўра берилмоқда.

шуғулланадилар. Кўп ҳолларда ўзини ўзи иш билан таъминлайдиган шахсларда маълумот етарлича бўлмайди. Чунки, маълумоти йўқ аҳоли билан тизимли равишда ишга жойлаштириш масаласи билан қатъий шуғулланадиган мутасадди субъектлар деярли белгиланмаган.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига қуйидагилар киради:

- ишдан ажралган ҳолда таълим олаётган, қўшимча даромади бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

- ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари;

- бола тарбияси билан шуғулланадиган ишламайдиган аёллар ва уй бекалари;

- кўчмас ва кўчар мулкни ишлатишдан даромад оладиган, ўзлари аниқ фаолият билан шуғулланмасдан ишламайдиган шахслар;

- ўз ихтиёри билан ишламайдиган шахслар.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг (нофаол) умумий аҳолидаги улуши камайиш тенденциясига эга. 2014 йилда ушбу аҳолининг улуши 25,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб – 23,1 %га тенг бўлди¹¹. Ушбу камайиш тенденцияси 2019 йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу аҳолининг яшаш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ногиронлиги бор кишилар ва бошқа ишламайдиганлар (шу жумладан, уй бекалари ҳам) аста-секинлик билан қисқариб бораётганлигидан далолат беради.

Шуларнинг қаторида, вақтинча ишламайдиган, ишдан бўшаган, ҳали ишга жойлашмаган ишсизлар ҳам мавжуд. Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан банд аҳолининг улуши 2014 йилда 94,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 94,2 %ни ташкил қилган. Мос равишда ишсизларнинг улуши 2014 йилда 5,1 %ни (100,0 – 94,9) ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб, 5,8 %ни (100,0 – 94,2) ташкил қилди. 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткичнинг миқдори 90,7 %ни ташкил қилди¹². Ушбу ҳолат ишсизларнинг улуши мамлакатимизда ҳақиқатда ошиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Бунга тезроқ барҳам бериш лозим, акс ҳолда мамлакатимизда ишсизлар камаймайди.

¹¹ Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.. 2018. – 24 бет.

¹² Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2019. - 49 бет.

Мамлакатимизда пенсионерлар улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу аҳоли фаровонлигини оширилаётганлигидан, инсонларнинг ўртача умрининг узаяётганлигидан далолатдир. Жумладан, 2014 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 8,69 %ни ($2697,0 \cdot 100 / 31022,5$) ташкил қилган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 9,74 %га ($3181,9 \cdot 100 / 32656,7$)¹³ тенг бўлган. 2019 йилга келиб, умумий аҳолида пенсия олувчиларнинг улуши 10,9 %ни¹⁴ ташкил қилди. Худди шундай меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сонининг улуши ҳам ошиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 29,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб унинг миқдори 30,2 %га тенг бўлди¹⁵.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган. Бу борада жуда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг яна бир янги йўналиши аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан иборатдир. Ўзини ўзи банд қилишнинг бошқа йўналишларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ўзини ўзи банд қилиш тамойилларига асосланиб иш кўришида намоён бўлади. Бу ҳолат одатда қуйидаги беш сабабдан келиб чиқишади:

- шахсий қониқиш;
- мустақил фаолият олиб боришга интилиш;
- эришилган фойдани ўзи олиши;
- бандлик кафолати;
- шахсий мавқеини мустаҳкамлаш.


Ушбу тамойилларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга. Улардан бири **шахсий қониқиш** бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг табиати шундай, у қаерда ишламасин, қаерда яшамасин, энг аввало, шахсий қониқиш ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Бунга меҳнат жамоаларида жуда яхши ишлаб ҳам эриша олмаслиги мумкин. Аммо одам ўзи хоҳлаган ишни ўзи қилса ва ундан маълум даражада манфаатдорлик таъминланса, жуда катта шахсий қониқиш ҳосил бўлади. Бундай ҳолат одамни жуда катта ва йирик ишларни амалга ошириш учун асос бўлиши мумкин.

¹³ Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2018. – 17 бет.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. 2019. ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (2019 йил) маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

¹⁵ Уша жойда. – 19 бет.

Одамлар ўзини ўзи иш билан таъминлаш эвазига шахсий қониқиш ҳосил қилган ҳолда ўзини ўзи тақдирлаган бўлади. Демак, ушбу жараёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўзи ишни ташкил қилади, ўзи ишлайди ва бошқаларни ҳам ишлатади, қилинган даромади, олган фойдаси эвазига ўзини ўзи моддий жиҳатдан рағбатлантиради. Натижада моддий бойлик орттириш билан бирга маънавий қониқишни ҳам ўзига ўзи ташкил қилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилиб, моддий ва маънавий бойликка эришгунча бўлган босқичлар

Расмдан кўриниб турибдики, одам ўзини ўзи иш билан таъминласа моддий ва маънавий натижага эришгунча маънавий қониқишни қўлга киритиши мумкин. Чунки у бошқа бирор корхонада ишласа, ўзини ўзи тақдирлагандек, тақдирланмаслиги мумкин эди. Шу туфайли ҳар бир одам ўзи хоҳлаган ва танлаган иш билан шуғулланишининг ўзи, унинг тақдирланганлиги бўлиб ҳисобланади. Бундай кишилар ўзларини ўзлари ҳар куни тақдирлаб борадилар. Агар бирорта меҳнат жамоасида фаолият кўрсатилганда маълум давр, яъни ҳисобот даври ўтиши керак эди. Шу туфайли одамлар ўзларининг бор имкониятларини сафарбар қилиш учун ҳам катта шароит бўлиб ҳисобланади.

Ўзини ўзи иш билан банд қилиш одамга ҳар бир иш кунини ва вақтини тўғри тақсимлайдиган, ўзига роҳат бағишлайдиган ўз ишини завқ билан бажаришга сарфлашига имкон беради. Масалан, расм олишни яхши кўрган киши, хусусий фото студиясини ташкил этиши мумкин. Ҳар сафар мижоз ўз фотопортретидан қониққанини билдирганда, у ўз меҳнатидан шахсий қониқиш ҳис қилади ва маълум миқдорда хизмати учун ҳақ олиб, ўз манфаати йўлида ишлатади. Бу эса, ўзини ўзи иш билан банд қилиш орқали моддий

манфаатдорликка эришишни ва маълум даражада маънавий қониқиш олишининг ҳам таъминланганлигини кўриш мумкин.

Ўзини ўзи иш билан банд қилиш тамойилининг бири мустақилликдир. Ўзини ўз иш билан таъминлаган одам ўз билимини, кўникмасини ва қобилиятини ўзи хоҳлаган тарзда қўллаши мумкин. Бошқа ишлайдиганларга нисбатан ўзини ўзи банд қилган одамлар кўпроқ эркинликка эга. Чунки ихтиёри билан ташкил қилинган ишда ихтиёрийлик ҳукм суради.

Мазкур тамойилга дахлдор яна бир йўналиш ушбу шахснинг фойда олишида намоён бўлади. Бу барча харажатларни тўлагандан кейин қоладиган даромаднинг бир қисмидир. Фойда ишни ташкил қилган шахснинг ўзига қолади. Жуда кўп ҳолларда ишни ташкил қилган одамга кўпроқ вақт ва кўпроқ ҳаракат қилишини тақозо қилади. Бундай ҳолат ҳам ихтиёрийлик асосига қурилганлиги туфайли ҳам завқлидир. Бироқ инсон бошқа бировларга ишлаганида бундай ҳолат камдан-кам учраши мумкинлиги ҳаммага аён. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бировга ёлланиб ишлаган кишилар маълум иш вақтининг тугашини кутиб ишлайди. Ўзи ташкил қилган ишда эса, иш вақти аҳамиятли эмас, асосий эътибор натижадорликка қаратилган бўлади.

Бандлик кафолати инсонлар учун жуда муҳим, чунки кўпгина корхоналар бандлик кафолатини тўлиқ таъминлай олмайди. Иш кўлами қисқарса, корхона касодга учраса албатта ходимларни ушлаб туриш имконияти бўлмайди. Шу туфайли одамларнинг доимий иш билан таъминланган бўлишлигига истаги юқори бўлади. Бироқ ёлланган меҳнатда бунга эришиб бўлмайди. Бу эса одамларни ўзини ўзи иш билан бандлигини таъминлаш истагини тугдиради. Ўзини ўзи банд қилган одамлар ишдан бўшатилиши, корхонадан ҳайдалиши ёки маълум ёшга етганда мажбурий тарзда ишдан пенсияга чиқариб юборилиши мумкин эмас. Демак, одамлар ўзларини ўзлари иш билан таъминласа, уларнинг иш жойи кафолатланган бўлади. Бундай шахслар ҳаётда жуда кўп бўлиши мумкин, аммо ҳунармандлар, рассомлар, томорқа эгалари, миллий буюмларни ишлаб чиқарувчилар, гилам тўқийдиганлар, атлас, адрас ишлаб чиқарувчи каби кишилар ўзларини ўзлари кафолатланган иш билан таъминлайди.

Ўзини ўзи банд қилган одамлар маълум даражада мавқеи баланд бўлади. Чунки ўзини ўзи банд қилган одамлар

истеъмолчилар билан ўрнатган алоқалари ва уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилиши туфайли, диққатни жалб этади ва эътирофга сазовор бўлишадди. Бунинг натижаси сифатида, улар кўпгина бошқа ишлаётганлардан юқорироқ мавқега эга бўлиб, бундан шахсий қониқиш олиб, ўз касбининг натижасидан роҳатланиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, ўзини ўзи банд этишнинг маълум чекловлари ҳам мавжуд. Бундай чекловлари қуйидагилардан иборат: инвестиция қилинган сармояни йўқотиш эҳтимоли, ишончсиз ёки паст даромадли бўлишлиги, кўп вақт сарфланиши, фақат ўзи бўлганлиги туфайли зерикарли бўлишлиги, барча ишларни ўзининг бажаришга бўлган зарурати.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини, айниқса оилада ишламай турган шахсларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлариталаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш бугунги кунда ўта муҳим устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ушбу вазифани бажариш учун “Қар бир оила — тадбиркор” дастури ишлаб чиқилди.

5. “ҚАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР” ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Қар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланган¹⁶.

Биринчи вазифа, “тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлашдан” иборат.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 июнь куни “Қар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 8 июнь, 1-2 бетлар.

Иккинчидан, “тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш” масаласи белгиланган. Чунки ҳар қандай киши ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб кетавермайди. Уларнинг билимини ўстириш билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам тадбиркорликка тайёрлаш лозим бўлади. Одам тадбиркорликка руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаса, ундаги малака ҳам иккинчи даражали бўлиб қолиши мумкин. Шу туфайли, ушбу вазифани амалга ошириш ҳам катта ташкилий-ҳукукий, иқтисодий ва руҳий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Учинчидан, “тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш” масаласи қўйилган. Жуда кўп ҳудудларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли қатлами мавжуд бўлиб, уларнинг ўз фаолиятини диверсификация қилиш имкониятлари ва истаклари пайдо бўлган бўлишлари мумкин. Бундай тадбиркорларга қўшимча иш ўринлари яратишда амалий ёрдам бериш чораларини кўриш лозим бўлади.

Тўртинчи вазифа, “касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш” масаласидир. Бу бизнинг мамлакатимизда айниқса, иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг мавжудлиги учун аҳамиятлидир. Касаначилик меҳнати асосан уйда амалга оширилганлиги туфайли, бандликнинг ушбу тури ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари, бола тарбияси билан шуғулланадиган ишламайдиган аёллар ва уй бекалари учун жуда қулай юмуш бўлиб ҳисобланади. Чунки, улар бир вақтнинг ўзида болалар тарбиясидан узилмаган ҳолда меҳнат билан ҳам банд бўлади.

Бешинчидан, “қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини-кластерлар ташкил этиш”дан иборат, қилиб белгиланган.

Ушбу йўналиш бўйича ишсизларни ўзини ўзи иш билан таъминлаш принципига ўқитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳам одамларни руҳий жиҳатдан тайёрлашга алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Чунки, давлат идораларида ва тадбиркорларга қарам бўлиб, кимнингдир буйруғи билан ишлагандан кўра, ўзи ишни ташкил қилиб, ҳеч кимга қарам бўлмасдан ўзи мустақил фаолият кўрсатишнинг афзалликларини ҳар бир инсон ҳис қилиб яшайдиган бўлишлиги лозим.

Олтинчидан, “жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчаларини барпо этиш” масаласи ҳам устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Чунки оилавий тадбиркорликнинг аксарият қисми ўзини ўзи иш билан банд қилиш принципи асосида иш тутади. Бундай шароитда, ҳар бир оилада тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, оилаларда тадбиркорликнинг микро кластерларини ташкил қилиш йўлида фаолият кўрсатиш кўникмасини шакллантириб боришни тақозо қилади.

Еттинчидан, қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш” масаласи ҳам иш билан таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор вазифалари сирасига киради. Чунки, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ўзида бўш турган ер майдонлари бўлмаслиги мумкин. Бундай жойларни уларнинг ихтиёрига бериш масаласи амалиётимизда синалган самарали йўللардан бири бўлиб қолди. Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратилиши билан бирга, яна қўшимча даромад манбалари ҳам яратилади. Ушбу тадбирлар ҳам аҳолининг фаровонлигини ошириш имконини беради.

Саккизинчидан, “вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш” масаласи ҳам устувор вазифалар сирасидан ўрин олган. Сир эмас, бизда кўпчилик тадбиркорлар, айниқса маҳаллаларда,

давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларни рўйхатга олиб, фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда мавжуд хуфиёна иқтисодиётнинг элементларига чек қўйилади. Ушбу тадбирлар нафакат иқтисодий, балки ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий самара беради.

6. МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТИ

Мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида маҳалла институтининг ўрни ва роли беқиёсلىгида. Чунки аҳолини иш билан таъминлашда ҳам маҳаллаларнинг вазифаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармонига биноан маҳаллани ободонлаштириш билан бир қаторда маҳалла аҳолисини иш билан таъминлаш масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти жойларда бўлганда ҳам ушбу фармоннинг бажарилиши билан яқиндан танишиб бормоқда. Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 апрель куни Тошкент шаҳридаги Чилонзор туманидаги “Катта Хирмонтепа” ва “Яккатут” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, мазкур маҳалла ҳаёти билан танишди, халқ билан мулоқот қилиб, маҳалла фаоллари билан учрашувда “Маҳаллалар ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга ҳам эга бўлмоғи лозим”¹⁷, деб таъкидлади. Янги маҳалла марказлари лойиҳасида маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар бўлиши кўзда тутилган. Бу халққа хос ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди. Президентимиз мамлакатнинг барча ҳудудларида мана шундай маҳалла марказларини бунёд этиш ҳақида кўрсатмалар берди. Маҳалланинг кенг кўламли вазифаси билан биргаликда аҳолини иш билан банд қилиш бўйича ҳам тегишли тадбирларни

¹⁷<https://sputniknews-uz.com/society/20170214/4804031/Oho-Yangi-Mahalla-vazirligi-va-Mirziyoyevning-internetni-portlatgan-farmoni.html>

амалга оширишлари лозим. Бунинг учун ҳар бир маҳалла марказларида чойхона, новвойхона, "Гўзаллик салонлари", дўконлар, спорт ва болалар майдончалари бўлиши одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир"¹⁸, деб уқтирди, мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла институтини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонида¹⁹ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш лозимлигига алоҳида аҳамият берилган. Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантириш маҳалла институти орқали амалга оширилади. Бундай муҳитни бекорчилар, ишсизлар билан яратиб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда ўзимизга хос бўлган маҳалланинг аҳамияти бекиёс. Бугунги кунда маҳалла институтини янада такомиллаштириш ва унинг нуфузини ошириш каби масалалар ҳам устувор вазифалардан биридир.

Аҳоли билан ишлайдиган қуйи бўғиндаги мустақил субъект бўлган маҳаллаларни аҳолини ўзини ўзи иш билан таъминлаши орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳоли бандлигини ошириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш учун зарур маблағларни таъминлайдиган бюджетини ўзлари шакллантириш имкониятини яратишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Бундай механизмларни амалга ошириш учун ҳар бир маҳалланинг маъмурий мустақиллиги билан бирга иқтисодий мустақиллигини ҳам таъминлаш лозим бўлади. Ушбу йўналиш билан аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши учун маҳалланинг роли ошади. Натижада маҳалла кўмаги билан ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳолининг тўлайдиган солигини

¹⁸<https://sputniknews-uz.com/society/20170214/4804031/Oho-Yangi-Mahalla-vazirligi-va-Mirziyoyevning-internetni-portlatgan-farmoni.html>

¹⁹Readmore:<https://sputniknews-uz.com/society/20170214/4804031/Oho-Yangi-Mahalla-vazirligi-va-Mirziyoyevning-internetni-portlatgan-farmoni.html>

маҳалла бюджетига ўтказишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу механизм маҳалла бюджетининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Маҳалла бюджетини шакллантиришда маҳаллада яшайдиган аҳолининг хайриялари ва бошқа қонунга зид бўлмаган маблағлар ҳисобидан кўпайтириш имконини ҳам яратиш мумкин. Бу ҳам маҳалланинг мустақиллиги ва иқтисодий имкониятининг ошишига асос бўлади.

Ушбу тадбирлар маҳаллани давлат ва маҳаллий бюджетларга қарам бўлмасдан ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлайдиган мустақил ташкилотга айлантириш имконини яратади. Шунингдек, маҳаллани турли ички ва ташқи грантларга иштирокини таъминлаш механизмини яратиш ҳам ушбу бўғинни маблағ билан таъминлашнинг бир йўналиши сифатида баҳоланиши лозим. Агар маҳалла ўзининг маблағи ҳисобидан маҳалла тасарруфида турли тадбиркорлик субъектларини очиш имкониятига эга бўлса, маҳаллалар тўлақонли субъектга айланади. Шунингдек, маҳаллада “Қасаначилик уюшмаси”ни ташкил қилиш орқали ишсиз, бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларни иш билан таъминлашни йўлга қўйиши ҳам маҳалла аҳолисининг фаровонлигига хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда маҳаллаларга жуда катта вазифалар юклатилган. Қуйи бўғинда аҳоли билан ишлайдиган, унинг барча дарду-ташвишларидан бохабар бўлган ташкилот – бу маҳалла. Аммо кенг кўламли ишларни амалга оширишда, маҳалладаги жорий муаммоларни ҳал қилишда унинг кўп ҳолларда “қўли калталик” қилиб қолмоқда, яъни унинг ўз ихтиёрида етарли маблағи бўлмайди. Барча зарур маблағларни бюджетдан ажратилишини кутиб туради. Буни ҳам мустақил ишлатиб бўлмайди, чунки улар катъий манзилли йўналтирган бўлади.

Маҳалла мустақил ижтимоий бирлик. Айрим ҳолларда маҳалла аҳолисида бирорта кор-ҳол рўй бериб, зудлик билан уларни қўллаб-қувватлаш зарурати пайдо бўлиб қолиши мумкин. Агар шундай пайтда, маҳалланинг ихтиёрида ўз маблағи бўлса, бемалол маҳалла комиссияси қарори билан коллегиял ҳолда унга моддий ёрдам бериш имконияти туғилади. Буларни инобатга олиб, ҳар бир маҳалла ўзининг маблағига (бюджетига) эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз ва буни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тавсия қилмоқдамиз. Буни амалга

оширишнинг бир канча механизмларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу мақсадга эришиш учун ўзини ўзи иш билан таъминлаш орқали онлавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳоли бандлигини оширишнинг устувор вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади (2-расм).

1. Ҳар бир маҳалланинг маъмурий мустақиллиги билан бирга иқтисодий мустақиллигини ҳам таъминлаш лозим

2. Аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш учун маҳалланинг ролини ошириш даркор

3. Маҳалла кўмаги билан ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳолининг тулайдиган солиғини маҳалла бюджетига ўтказишни ташкил қилиш маҳалла бюджетининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади

4. Маҳалла бюджетини шакллантиришда маҳаллада яшайдиган аҳолининг хайриялари ва бошқа қонунга зид бўлмаган маблағлар ҳисобидан кўнайтириш имконини ҳам яратиш мақсадга мувофиқ

5. Юқоридаги тадбирлар билан маҳаллани давлат ва маҳаллий бюджетларга қарам бўлмасдан ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлайдиган мустақил ташкилотга айлантириш имкони яратилади

6. Маҳаллани турли ички ва ташқи грантларга иштирокини таъминлаш механизмни яратиш ҳам ушбу бўғинни маблағ билан таъминлашнинг бир йўли сифатида баҳоланиши лозим

7. Маҳалланинг ўзининг маблағи ҳисобидан маҳалла тасарруфида турли тадбиркорлик субъектларини очиш имкониятини маҳалланинг ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқ

8. Маҳаллада "Қасаначилик уюшмаси"ни ташкил қилиш орқали ишсиз, бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларни иш билан таъминлаш мақсадга мувофиқ

2-расм. Ўзини ўзи иш билан таъминлаш орқали онлавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳоли бандлигини оширишнинг устувор вазифалари

Биринчи йўналиш. Маҳалла аҳоли билан ишлайдиган қуйи бўғиндаги мустақил субъект бўлишига қарамасдан ўзининг

бюджетига эга эмаслиги ва мос равишда, ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаш механизми ҳам ишлаб чиқилмаганлигини инобатга олиб, уларнинг барча фаолиятини амалга ошириш учун ўзининг маблағи ва уни шакллантириш йўллари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ҳозирги кунда аҳоли билан ишлайдиган энг қуйи бўгин бюджет маблағларига қарам ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда маҳаллаларда якка тадбиркорлар, ўзларини ўзлари иш билан таъминлайдиган шахсларга ҳам маҳалла бефарқ, чунки бу ишдан у манфаатдор эмас. Маҳалла ўз ташаббуси билан янги иш ўринлари яратиб, ўзининг иқтисодий аҳволини ички имкониятлар эвазига яхшилашга ҳам ҳеч қандай рағбат йўқ. Боз устига, ҳозирда маҳаллаларда кўплаб ҳеч жойдан рўйхатдан ўтмасдан яширин ҳолда фаолият кўрсатаётган якка тадбиркорлар борлиги ҳам сир эмас. Маҳалла уларни ҳисобга олишдан, рўйхатдан ўтказишдан ҳам манфаатдор эмас. Бир кунини кўриб турсин, деб ноқонуний фаолиятга, аниқроғи яширин иқтисодиётга кўз юмиб келинмоқда. Шу билан бирга нима қилишини билмай юрган, ҳеч жойда ишламайдиган ишсизлар ҳам шу маҳаллаларда истиқомат қилади. Буларни ишга жойлаштиришга ҳам маҳаллада имконияти ҳам, рағбат ҳам йўқ. Шу туфайли бугунги кунда маҳаллалар фаолиятини ислоҳ қилиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш учун ҳар бир маҳалланинг бюджетини ташкил қилиш ва унинг ихтиёрига якка тадбиркорлик билан шуғулланадиган ва ўзини ўзи иш билан таъминлаган шахсларни бириктириш, улар тўлайдиган солиқларни давлат ёки маҳаллий (вилоят, туман, шаҳар) бюджетига эмас, балки маҳалла бюджетига тўлашни ташкил қилиш лозим. Шу йўл билан маҳаллаларни ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган мустақил бюджетига эга бўлган тўлақонли субъектга айлантириш мумкин бўлади.

Агар ушбу тадбирлар йўлга қўйилса маҳалланинг масъулияти ва қизиқиши ошади. Натижада бир қанча ишларни амалга оширишга рағбат уйғонади:

- бундай ҳолда маҳаллада кўплаб ҳеч жойдан рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган якка тадбиркорларни ўзининг рўйхатига киритишни талаб қилади;

- маҳалла ҳам мустақил субъект сифатида ўзининг бюджетига эга бўлади, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имконияти

яратилади ва унга давлат ва маҳаллий бюджетдан тўланадиган маблағ тежаллади;

- маҳалла тадбиркорлардан ва ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслардан тушган (ундирган) солиқнинг бир қисmini ўзида қолдириб, бир қисmini маҳаллий ёки давлат бюджетига ўтказиб бериш имкониятига эга бўлади;

- маҳаллалар ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаш оқибатида улар ўртасида рақобат пайдо бўлади ва маҳаллаларда яқка тадбиркорлар, ўзини ўзи иш билан таъминлайдиганларни кўпайтиришга ҳаракат қилинади;

- маҳаллаларда имкониятдан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратилиб, ҳудудлар иқтисодийёти ички имкониятлар эвазига юксалади. Чунки маҳалланинг ободонлаштирилиши, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинишида уларда тўлиқ имконият яратилади. Маҳалла аҳли ўзларининг муаммоларини бировларнинг ҳал қилиб беришини кутиб ўтирмасдан, ўзларини ўзлари тегишли маблағ билан таъминлаб, барча ишларни ўзлари амалга оширади.

Иккинчи йўналиш. Мамлакатимизнинг йирик қишлоқлари ва қишлоқ туманлари марказларида “Қасаначилик марказлари”ни очиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай қишлоқларда аёлларнинг аксарият қисми фақат мавсумий ишга жалб қилинади ёки ишсиз ҳолда яшаб келмоқда. Уларни қасаначилик йўли билан ишга жойлаштириш учун қишлоқларда йирик саноат корхоналари мавжуд эмас. Ишсиз аёлларни ишга жойлаштириш учун таъкидланганидек, маҳалланинг ҳам унчалик қизиқиши юқори эмас. Шу туфайли қишлоқларда “Қасаначилик марказлари”ни ташкил этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ва унга маҳалла аёлларини жалб қилиб, бандлик муаммосини ҳал қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Мухими, уларнинг тўлайдиган солиқларини ҳам маҳалла бюджетига ўтказиш лозим. Агар шундай қилинса маҳалла ишсизларни иш билан таъминлашдан манфаатдор бўлади ва бундай ишларни ташкил қилишга жонбозлик билан киришади.

“Қасаначилик марказ”ларини маҳаллада яшовчи, аммо бошқа жойда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган маҳалла фуқаролари, маҳаллада маблағи бор, аммо тадбиркорлик билан шугулланмаётган бир қанча фуқаролар ташкил қилиши мумкин. Улар маҳалладаги “Қасаначилик маркази”нинг тижорат банкларда ҳисоб рақамини очади ва маблағини шакллантириб, эҳтиёжманд оилаларни тегишли жиҳозлар билан таъминлаб, ишлаб чиқариш,

иш бажариш, хизмат кўрсатишни йўлга қўяди ва маҳсулотини йиғиштириб олиб сотиш билан ҳам марказнинг ўзи шуғулланади. Ҳар бир касаначига меҳнатига яраша иш ҳақи тўлаб, рағбатлантириб боради. Ушбу тадбирнинг аҳамияти жуда катта. Бу куйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Касаначилик марказининг фаолиятидаги боғлиқликлар

Касаначилик марказларининг афзалликлари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, тадбиркор ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш нстагида юрган маҳалла фуқароси ўзининг маблағини иқтисодий фаолиятга жалб қилади, кўшимча иш ўринларини яратади.

Иккинчидан, маҳалладага ишсизларни, айниқса ишсиз хотин-қизларнинг уйларига тегишли дастгоҳларни ва жихозларни етказиб касаначиликни ташкил қилиш натижасида уларнинг бандлиги таъминланади ва маҳаллаларнинг ҳам бюджети ички имкониятлар эвазига кўшимча маблағ ҳисобига шаклланади.

Учинчидан, ушбу жараёндан, тадбиркорнинг ҳам, маҳалла фуқароларининг ҳам, маҳалланинг ҳам, пировардида жамиятнинг ҳам манфаатдорлиги ошади. Уларнинг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятлари диверсификация қилинади. Натижада қишлоқлардаги ишсизлик муаммоси ҳал қилиниши билан бирга, уларнинг меҳнати мавсумийликдан, доимийлик мазмунига эга бўлади, у ерда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари кўпаяди.

Учинчи йўналиш. Ҳозирги кунда экологик ва агро туризмнинг ривожланаётганлигини инобатга олиб, қишлоқ маҳаллалари марказларида туристларга хизмат кўрсатадиган “Меҳмондорчилик маркази”ни ташкил қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки қишлоқларда катта меҳмонхоналарни қуришга ҳожат йўқ. Шу туфайли ташриф буюрган туристларни ўша марказ

томонидан одамларнинг “Меҳмон уйлари”га жойлаштирилади ва хонадон аҳли ҳам туристларга хизмат кўрсатиш эвазига маълум миқдорда маблағ топади. Унинг ҳам бир қисмини белгиланган тартибда, маҳалла бюджетига тўлайди.

Туристларни қишлоқларга турли йўналишлар билан олиб келиш билан “Меҳмондорчилик маркази” шугулланади ва марказга аъзо бўлган оилалар уйига меҳмонларни жойлаштиради, натижада улар иш билан банд қилинади ва оиласининг даромад манбаи узлуксизлиги таъминланади. Меҳмонларга кўрсатилган хизмат ҳақининг маълум қисми меҳмондорчилик марказига ўтказиб борилади. Қишлоқларда туризм билан боғлиқ иш ўринлари яратилиб, ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига эришилади.

Тўртинчи йўналиш. Шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларида ишсизларни “Ўзини ўз иш билан банд қилиш” механизмининг жорий қилиш лозим. Бунда ҳар бир киши ўз имкониятидан келиб чиқиб, оилавий, кичик тадбиркорликдан шугулланиб бошлайди. Кўникма ҳосил қилиб, аста-секинлик билан у каттариб боради. Булар ҳам солиқларини маҳалла бюджетига тўлайди.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларда кўпгина ишсиз ёшлар мавжуд. Чунки кўпгина қишлоқ жойларда корхоналар ҳали қурилмаган, янги иш жойлари яратилмаган. Шу туфайли, кўпгина ёшларнинг хорижга миграция жараёни тўхтаган эмас.

Агар маҳаллаларда иш билан банд қилишга кўмаклашадиган марказларни очадиган бўлсак, узоқ пайтлардан буён ишсиз юрган кўпгина кишилар йўқ жойдан иш билан таъминланиб, маҳаллаларда бандлик муаммоси ўз ўзидан ҳал бўлиб боради. Чунки маҳаллада ташкил қилинган турли марказлар, биринчи галда ўзининг ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлашдан манфаатдор бўлади. Чунки, уларнинг солиғи маҳалла бюджетига туширилгандан кейин, табиий равишда маҳаллалар ўртасида рақобат вужудга келади. Маҳаллалар шу тариқа маблағга эга бўлиб, жуда кўп муаммоларини ўзлари ҳал қилиш имкониятларини ҳам қўлга киритади.

Бешинчи йўналиш. Бугунги кунда маҳаллалар ҳақиқий демократик бўгин сифатида жуда катта муаммоларни ҳал қилишга киришди. Аҳолининг ҳаммаси маҳаллада яшайди. Уларда бой-бадавлатлари билан бирга кам таъминланган, ногиронлиги бор, кўмакка муҳтож оилалар ҳам йўқ эмас. Айнан аҳолининг ушбу қатламга маҳалла ҳисобидан қараш учун ўзларида маблағ етарли

эмас. Чунки, маҳаллалар барча муаммоларини ҳал қилиш учун маблағ масаласига келганда бюджетга қарамлигича қолиб келмоқда. Шу туфайли унинг бюджетини юқорида тавсия этилган ижтимоий-иқтисодий механизмларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш ва уни маҳалланинг ўзи ҳисобидан шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳолатга эришиш учун маҳалладаги якка тадбиркорлар, ўзларини ўзлари иш билан банд қилган аҳоли, маҳалла томонидан ташкил қилинган касаначилар солиқларини маҳаллага тўлайдиган ҳуқуққа эга бўлиши лозим.

Бундай ҳолда маҳаллалар давлат ва маҳаллий бюджетга қарам бўлмасдан, ҳар бир маҳалла ўзини ўзи маблағ билан таъминлайди ва маълум вақтдан кейин, маҳаллалар ўзларини тиклаб олганларидан сўнг уларнинг ўзлари бюджетга солиқдан тўпланган маблағнинг бир қисмини тўлайдиган механизми ва имконияти ярагилади. Бунинг афзаллиги маҳаллалар янги иш ўринларини яратишга қизиқиши ортади ва маҳаллалар ўртасида бу ҳолатда ҳам рақобат вужудга келади.

Мазкур ҳолатга маълум даражада аниқлик киритиш учун Самарқанд шаҳри ва вилоятида жами ишга жойлашганлар таркибида ўзларини ўзлари банд қилиш йўли билан ишга жойлашганларнинг улушини таҳлил қилдик. Аҳолининг ишга жойлашишида маҳалланинг ўрни ва роли катталиги ўзини ўзи иш билан таъминлаш натижасида банд бўлган аҳолининг сонига ҳам кўриниб турибди. Мазкур масаланинг Самарқанд шаҳрида қай ҳолатда эканлиги қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд шаҳрида ишга жойлашганлар ўсиш суръати 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 122,7 %ни ($36452 \cdot 100 / 29715$) ташкил қилмоқда. Аммо ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганлар шу даврда 189,6 %га ($11880 \cdot 100 / 6265$) ошган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганларнинг жадаллик коэффициенти, умуман ишга жойлашганларга нисбатан 1,55 коэффициентни ($189,6 / 122,7$) ташкил қилмоқда. Демак, шу йиллар давомида ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганларнинг умумий ишга жойлашганларга нисбатан қарийб 1,5 баробардан тезроқ амалга ошмоқда. Буни ушбу кўрсаткичнинг улушидан ҳам билиш мумкин. Унинг миқдори 2015 йилда 21,08

%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, 32,59 %га етган. Ушбу ҳолат охириги пайтларда ўзини ўзи иш билан таъминлашга катта аҳамият берилиши натижасидир.

1-жадвал

**Самарқанд шаҳри аҳолисининг 2015-2019 йилларда
йўналишлар бўйича ишга жойлашиши ҳақидаги маълумот²⁰**

Йиллар	Жами ишга жойлашганлар		Шу жумладан					
			Давлат ташкilot- ларига		Ўзини-ўз банд қилиш йўли билан		Тадбиркор- лик субъ- ектларига	
	сони, киши	улуши, %	сони, киши	улу- ши, %	сони, киши	улу- ши, %	сони, киши	улу- ши, %
2015	29715	100,0	1083	3,64	6265	21,08	22367	75,27
2016	31196	100,0	2016	6,46	6940	22,25	22240	71,29
2017	32516	100,0	5061	15,56	8697	26,75	18758	57,69
2018	35309	100,0	5956	16,87	10931	30,96	18422	52,17
2019	36452	100,0	5803	15,92	11880	32,59	18769	51,49

Ўзини ўзи банд қилиш масаласи бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этаётганлигини инобатга олиб, ушбу аҳволни Самарқанд вилоятида қай ҳолатда эканлиги ҳам ўрганилди. Мазкур тадқиқот натижаси қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида ҳам умумий ишга жойлашиш 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 107,7 %га ($92540 \cdot 100 / 85895$) ўсган. Бироқ, ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганлар шу даврда вилоятда 195,9 %га ($28974 \cdot 100 / 14790$) ошган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганларнинг жадаллик коэффициенти, умуман ишга жойлашганларга нисбатан 1,82 коэффициентни ($195,9 / 107,7$) ташкил қилмоқда. Демак, шу йиллар давомида бундай ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг натижаси, деб баҳолаш мумкин. Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллаларда яратилган янги иш ўринларининг 25-30 фоизи ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида амалга оширилишига эришилган.

²⁰ Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

Оила хўжалиги самарадорлигини баҳолаш учун тегишли кўрсаткичлар ишлаб чиқилди, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш эвазига онлавий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини реал баҳолаш имконияти яратилди.

2-жадвал

Самарқанд вилояти аҳолисининг 2015-2019 йилларда йўналишлар бўйича ишга жойлашиши ҳақидаги маълумот²¹

Йил-лар	Жами ишга жойлашган-лар		Шу жумладан					
			Давлат ташкилот-ларига		Ўзини-ўз банд қилиш йўли билан		Тадбиркор-лик субъ-ектларига	
			сони, киши	улу-ши, %	сони, киши	улу-ши, %	сони, киши	улу-ши, %
2015	85895	100,0	2262	2,63	14790	17,22	68845	80,15
2016	90551	100,0	4162	4,60	16247	17,94	70142	77,46
2017	95057	100,0	8402	8,84	19073	20,06	67582	71,10
2018	90369	100,0	10163	11,25	26734	29,58	53472	59,17
2019	92540	100,0	9643	10,42	28974	31,31	53923	58,27

Мухими, юқоридаги ҳолатлардан маҳаллаларнинг манфаатдорлигини таъминласа, маҳаллалар ўзларининг бюджетига эга бўлиб, уларнинг ўз ихтиёрида маблағ бўлса, маҳалладаги жуда кўп муаммоларни ўзлари ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Бу жараён, айнан аҳолининг давлатдан рози бўлиб яшашини таъминлашнинг бир омили сифатида хизмат қилади. Хулоса қилиб айтганда, ўзини ўзи иш билан таъминлаб, ўзини банд қилиш муаммосининг ўз ечимини топиши, мамлакатимизда мухтарам Президентимиз қўйган вазифаларни аъло даражада бажариш билан бирга аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг оширилишига ҳам эришилади. Пировардида, халқнинг эртанги кунга ишончини ва уларнинг давлатдан рози бўлиб яшашлигини таъминлайди.

²¹ Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022, 2023, 2024, 2025, 2026, 2027, 2028, 2029, 2030, 2031, 2032, 2033, 2034, 2035, 2036, 2037, 2038, 2039, 2040, 2041, 2042, 2043, 2044, 2045, 2046, 2047, 2048, 2049, 2050, 2051, 2052, 2053, 2054, 2055, 2056, 2057, 2058, 2059, 2060, 2061, 2062, 2063, 2064, 2065, 2066, 2067, 2068, 2069, 2070, 2071, 2072, 2073, 2074, 2075, 2076, 2077, 2078, 2079, 2080, 2081, 2082, 2083, 2084, 2085, 2086, 2087, 2088, 2089, 2090, 2091, 2092, 2093, 2094, 2095, 2096, 2097, 2098, 2099, 2100, 2101, 2102, 2103, 2104, 2105, 2106, 2107, 2108, 2109, 2110, 2111, 2112, 2113, 2114, 2115, 2116, 2117, 2118, 2119, 2120, 2121, 2122, 2123, 2124, 2125, 2126, 2127, 2128, 2129, 2130, 2131, 2132, 2133, 2134, 2135, 2136, 2137, 2138, 2139, 2140, 2141, 2142, 2143, 2144, 2145, 2146, 2147, 2148, 2149, 2150, 2151, 2152, 2153, 2154, 2155, 2156, 2157, 2158, 2159, 2160, 2161, 2162, 2163, 2164, 2165, 2166, 2167, 2168, 2169, 2170, 2171, 2172, 2173, 2174, 2175, 2176, 2177, 2178, 2179, 2180, 2181, 2182, 2183, 2184, 2185, 2186, 2187, 2188, 2189, 2190, 2191, 2192, 2193, 2194, 2195, 2196, 2197, 2198, 2199, 2200, 2201, 2202, 2203, 2204, 2205, 2206, 2207, 2208, 2209, 2210, 2211, 2212, 2213, 2214, 2215, 2216, 2217, 2218, 2219, 2220, 2221, 2222, 2223, 2224, 2225, 2226, 2227, 2228, 2229, 2230, 2231, 2232, 2233, 2234, 2235, 2236, 2237, 2238, 2239, 2240, 2241, 2242, 2243, 2244, 2245, 2246, 2247, 2248, 2249, 2250, 2251, 2252, 2253, 2254, 2255, 2256, 2257, 2258, 2259, 2260, 2261, 2262, 2263, 2264, 2265, 2266, 2267, 2268, 2269, 2270, 2271, 2272, 2273, 2274, 2275, 2276, 2277, 2278, 2279, 2280, 2281, 2282, 2283, 2284, 2285, 2286, 2287, 2288, 2289, 2290, 2291, 2292, 2293, 2294, 2295, 2296, 2297, 2298, 2299, 2300, 2301, 2302, 2303, 2304, 2305, 2306, 2307, 2308, 2309, 2310, 2311, 2312, 2313, 2314, 2315, 2316, 2317, 2318, 2319, 2320, 2321, 2322, 2323, 2324, 2325, 2326, 2327, 2328, 2329, 2330, 2331, 2332, 2333, 2334, 2335, 2336, 2337, 2338, 2339, 2340, 2341, 2342, 2343, 2344, 2345, 2346, 2347, 2348, 2349, 2350, 2351, 2352, 2353, 2354, 2355, 2356, 2357, 2358, 2359, 2360, 2361, 2362, 2363, 2364, 2365, 2366, 2367, 2368, 2369, 2370, 2371, 2372, 2373, 2374, 2375, 2376, 2377, 2378, 2379, 2380, 2381, 2382, 2383, 2384, 2385, 2386, 2387, 2388, 2389, 2390, 2391, 2392, 2393, 2394, 2395, 2396, 2397, 2398, 2399, 2400, 2401, 2402, 2403, 2404, 2405, 2406, 2407, 2408, 2409, 2410, 2411, 2412, 2413, 2414, 2415, 2416, 2417, 2418, 2419, 2420, 2421, 2422, 2423, 2424, 2425, 2426, 2427, 2428, 2429, 2430, 2431, 2432, 2433, 2434, 2435, 2436, 2437, 2438, 2439, 2440, 2441, 2442, 2443, 2444, 2445, 2446, 2447, 2448, 2449, 2450, 2451, 2452, 2453, 2454, 2455, 2456, 2457, 2458, 2459, 2460, 2461, 2462, 2463, 2464, 2465, 2466, 2467, 2468, 2469, 2470, 2471, 2472, 2473, 2474, 2475, 2476, 2477, 2478, 2479, 2480, 2481, 2482, 2483, 2484, 2485, 2486, 2487, 2488, 2489, 2490, 2491, 2492, 2493, 2494, 2495, 2496, 2497, 2498, 2499, 2500, 2501, 2502, 2503, 2504, 2505, 2506, 2507, 2508, 2509, 2510, 2511, 2512, 2513, 2514, 2515, 2516, 2517, 2518, 2519, 2520, 2521, 2522, 2523, 2524, 2525, 2526, 2527, 2528, 2529, 2530, 2531, 2532, 2533, 2534, 2535, 2536, 2537, 2538, 2539, 2540, 2541, 2542, 2543, 2544, 2545, 2546, 2547, 2548, 2549, 2550, 2551, 2552, 2553, 2554, 2555, 2556, 2557, 2558, 2559, 2560, 2561, 2562, 2563, 2564, 2565, 2566, 2567, 2568, 2569, 2570, 2571, 2572, 2573, 2574, 2575, 2576, 2577, 2578, 2579, 2580, 2581, 2582, 2583, 2584, 2585, 2586, 2587, 2588, 2589, 2590, 2591, 2592, 2593, 2594, 2595, 2596, 2597, 2598, 2599, 2600, 2601, 2602, 2603, 2604, 2605, 2606, 2607, 2608, 2609, 2610, 2611, 2612, 2613, 2614, 2615, 2616, 2617, 2618, 2619, 2620, 2621, 2622, 2623, 2624, 2625, 2626, 2627, 2628, 2629, 2630, 2631, 2632, 2633, 2634, 2635, 2636, 2637, 2638, 2639, 2640, 2641, 2642, 2643, 2644, 2645, 2646, 2647, 2648, 2649, 2650, 2651, 2652, 2653, 2654, 2655, 2656, 2657, 2658, 2659, 2660, 2661, 2662, 2663, 2664, 2665, 2666, 2667, 2668, 2669, 2670, 2671, 2672, 2673, 2674, 2675, 2676, 2677, 2678, 2679, 2680, 2681, 26

Албатта ҳозирги кунда мамлакатимизда жуда кўп янги иш ўринлари яратилмоқда. Бирок, ушбу тадбирлар ишсиз аҳолининг бир қисминигина банд қилиш имкониятига эга. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги²² қарорини қабул қилди.

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Қамбағал ва ишсиз аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қaratилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга oид қўшмача чора-tadbirlar тўғрисида»ги қарори// kub.uz/ 20.04 / 01.08.2020||1333

айниқса касбга ўргатадиган ўқув муассасалари асосан нодавлат характерга эга.

Шу тариқа камбағал ва ишсизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитишнинг янги тизимини давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитишдек, янги тизим вужудга келмокда. Ишсизларни касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш билан бирга, улар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Муҳими, касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш жараёнларини ташкил этишда эҳтиёжманд аҳоли ва ногиронларга алоҳида аҳамият берилган. Уларни иш билан бандлигини таъминлашга оид қўшимча тадбирларни амалга ошириш чоралари ҳам мазкур қарорда кўзда тутилган.

Ишсизлар моҳияти жиҳатидан қуйидаги категорияларга бўлинади. Биринчиси, тегишли малака ва маълумотга эга, аммо у яшаган ҳудудда унга муносиб иш йўқ бўлади. Иккинчи тоифадаги ишсизлар малакасиз, мустақил фаолият олиб бориш кўникмасига эга эмас. Биров уларни иш билан таъминламаса, ўзларининг қўлидан иш келмайдиганлар. Учинчидан ногиронлиги бор аҳоли қатлами ва бошқа эҳтиёжманд аҳоли. Тўртинчидан, боқимандаликка ўрганиб қолган, дангаса, ўзига ҳам бефарқ, ишэкмас инсонлар. Юқоридаги қарорда шу тоифадаги барча аҳоли қатламини қамраб оладиган тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бунда ҳар бир оилада, ҳар бир маҳалла ва ҳудудларда ишсизларнинг тоифаларига аниқлик киритиб, ҳар бирига мос бўлган тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Деярли барчасини ўқитиш, касбга ўргатиш билан бирга уларга руҳшунослар томонидан психологик тайёрлаш курсларидан ҳам дарс ўтиб, уларнинг руҳиятини яшашга ўргатиш лозим бўлади.

Юқорида номи зикр этилган қарорда қайд этилишича, камбағал ва ишсиз аҳолини касб-хунарга ўргатиш ҳамда уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини оширишга оид дастурий чоралар ҳам кўрилган. Ишга жойлаштириш масаласида “марҳамат, Сиз учун эшигимиз очик”, деган принципдан воз кечиш лозим. Ишга жойлашишда ҳам кадрлар малакаси бўйича рақобатлашадиган бўлиши керак. Шунга тайёр бўлса, кадрларда такомиллашиш учун ички кучлар ишга тушади. Мен камбағаллар рўйхатидаман, мени давлат иш билан таъминласа ишлайман,

бўлмаса, мени оиламни давлат боқиб олсин шиоридан воз кечадиган руҳият сингдирилган бўлиши лозим. Шундагина мамлакатимиз аҳолиси “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”га муносиб бўлади.

Шунингдек, мазкур қарорда Россия Федерациясида фаолият юритаётган меҳнат мигрантларини ўқитиш чоралари белгиланган. Ушбу ҳолат мигрантларимизга дуч келган “топилган” “қора иш” билан эмас, балки аниқ касб билан шуғулланиш имконияти яратилади. Яна бир муҳим жиҳат ушбу қарор билан камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини жорий этиш учун зарур бўладиган молиявий харажатларнинг аниқ манбалари ҳам кўрсатиб берилди. Одатда бундай таълим хизматлари пуллик асосда нодавлат таълим муассасалари томонидан амалга оширилиб келинаётган эди. Эндиликда ушбу тадбирлар фақат ўқувчиларнинг ўзлари ҳисобидан эмас, бир қисми давлат, яна бир қисми бошқа манбалардан ажратиладиган бўлди ҳамда уларнинг аниқ манбалари, йўналишлари ва қўламлари белгилаб берилди.

Қайд этиш жоизки, нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этиш учун Вазирликка қарашли “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг бинолари, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узок муддатли имтиёзли ижарага берилади. Ушбу тадбир масаланинг тезкор йўлга қўйилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бинолар ҳам самарали фойдаланилади ва ўқувнинг мақсадли йўналишдаги шакли фаолият кўрсатишни бошлайди.

Ҳозир мамлакатимиз иқтисодиётида битта тенденция кузатишмоқда. Бир томондан ишсиз аҳоли мавжуд бўла туриб, иккинчи томондан, муҳим янги йўналишдаги жуда кўп мутахассисликлар бўйича кадрлар етишмаслик ҳоллари ҳам кўзга ташланмоқда. Ушбу эҳтиёждан келиб чиқиб, аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган янги етишмаётган касбларга ўқитиш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, аҳолини тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишга ҳам эътибор қаратилган. Ушбу ишларда нодавлат сектори имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун давлат ёрдамини бериш механизми жорий қилинмоқда. Бу ҳам ишсиз аҳолининг, иқтисодиётдаги кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига, камбағалликнинг барҳам топишида, хорижга

“отланган” аҳолининг муносиб иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари имкониятлари кенгаяди. Уларга ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади. Бу ўз навбатида нодавлат таълим муассасаларининг такомиллашувига, уларнинг рақобатбардошлигига маълум даражада туртки бўлади.

Қарорда қайд этилишича, ““Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини халқаро WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади”²³. Бу паспорт ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилганлиги мутахассисларга ҳам катта имконият яратилганлигидан далolat беради.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жонзки, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда яна 150 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Мономарказлар ва касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилганлиги ҳам қарорда ўз аксини топган.

Яна бир диққатга сазовар чоралардан бири ҳар бир ҳудудда камида биттадан “Энг яхши касбга тайёрлаш дастури” бўйича нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари ўртасида очик танлов ўтказилади²⁴. Яна бир диққатга сазовар тадбирлардан бири, танлов ғолибларининг лойиҳаларини рағбатлантириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан қўшимча равишда 50 миллиард сўм маблағ ажратилиши²⁵ кўзда тутилган. Шу туфайли мазкур масала устувор вазифаларнинг бажарилишини реал таъминлаш имконини беради.

²³Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Қамбағал ва иқтисод аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фойдадорлигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори// kuni.uz/ 20:54 / 11.08.202011333

²⁴Ушга жойда.

²⁵Ушга жойда.

Бу муҳим тадбирларни амалга ошириш натижасида ҳар йили 60 минг нафарга яқин ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга бепул ўқитиш имконияти юзага келади. Яна бир муҳим жиҳат, ҳозирча ишсиз бўлган 25 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган аҳолининг бандлиги таъминланади²⁶.

Ушбу қарорда кўзда тутилган барча устувор вазифалар белгиланган тартибда ва белгиланган вақтда бажарилса, мамлакатимизда 800 мингдан ортиқ фуқаро ва иш берувчиларга бандлик ва меҳнат соҳасида давлат хизматлари кўрсатилади, шу жумладан 410 мингаёللар ва 300 мингёшларнинг бандлиги таъминланади. Айрим ҳудудларда ўтказилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, ишсиз аҳолининг ўрта ҳисобда 20 фоизига яқинроғи давлат ташкилотлари ва идораларига, 30 фоизи тадбиркорларга ишга жойлашади. Қолган қарийб 50 фоиз ишсиз аҳоли ишсиз ҳолатда қолади. Булар асосан ўзларини ўзлари иш билан банд қилиш тамойили асосида ишга жойлашиши лозим²⁷. Юқорида кўрилган чоралардан кўриниб турибдики, меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлиги, эндиликда асосан ўзини ўзи банд қилиш эвазига ошиб боради. Агар 700 мингдан зиёд ишсиз иш билан таъминланса, мамлакатимизда ишсиз аҳоли уч-тўрт йилда деярли барҳам топади. Ишсизларнинг туғатилиши камбағалликнинг ҳам қисқариб боришидаги муҳим омиллардан бири ва мос равишда аҳолининг фаровонлиги юксалиши ҳам шу омиллар эвазига рўй беради.

²⁶Уша жойда.

²⁷Самарқанд қиётида ўтказилган сўровнома натижалари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Охирги ўзгаришлар 2015 йил 26 июнда амалга оширилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни имзолаган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон
6. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш схемаси.
7. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхати. // Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига 3-илова.
8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар.// Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига 4-илова.
9. Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига илова
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнь, “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат

томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Қамбағал ва нишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори// kun.uz/ 20:54 / 11.08.2020· 11333
12. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. 2019. ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (2019 йил) маълумотлари.
13. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2018. – 30 бет.
14. Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали хабари.
15. Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. – М.: “Прогресс”. 1948, -С. 238-240;
16. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. – Самарканд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.
17. Султонмурод Олим. «Фрилансинг» ёхуд Янгича яшашга ўтмасак бўлмайди. 7 077 ЎЗА [https://uza.uz/oz/society/frilansing -yekhud-yangicha-yashashga-tmasak-b-Imaydi-09-03-2020](https://uza.uz/oz/society/frilansing-yekhud-yangicha-yashashga-tmasak-b-Imaydi-09-03-2020)
18. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: “Мысль”, 1982, с. 159..
19. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худойбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. – 232 б.,
20. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: “Фан”, 2006. – 243 б.,
21. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. 2019. – 49 бет.
22. <https://sputniknews-uz.com/society/20170214/4804031/Oho-Yangi-Mahalla-vazirligi-va-Mirziyoyevning-internetni-portlatgan-farmoni.html>
23. Readmore:<https://sputniknews-uz.com/society/20170214/4804031/Oho-Yangi-Mahalla-vazirligi-va-Mirziyoyevning-internetni-portlatgan-farmoni.html>
24. Самарканд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
25. Самарканд қишлоғида ўтказилган сўровнома натижалари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ФУҚАРОЛАР УЧУН ВАҚТИНЧАЛИК
МЕХНАТ ГУВОҲНОМАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ**

566-сон ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида» 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон қарорини²⁸ ижро этиш юзасидан, шунингдек, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи берилишини назарда тутадиган тартиб жорий қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш схемаси 2-иловага мувофиқ;

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари (кейинги ўринларда меҳнат гувоҳномалари деб аталади) бериладиган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланади;

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) пулли асосида берилади, ушбу тўловларни ундиришдан тушган тушумларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилганларнинг пенсия суғуртасини таъминлашга мақсадли йўналтирилади;

²⁸Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июльдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сонли қарори.

вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб ва улар амал қилишининг бутун даври пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг меҳнат стажига ҳисобланади;

ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган мақомига эга бўлган фуқароларни шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда кўрсатиб ўтилган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди;

вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилганлиги учун тўлов ундиришдан тушган маблағларнинг 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳисобига, 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб аталади) ва 20 фоизи туманлар (шаҳарлар) бюджетларига йўналтирилади;

вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда ўзини ўзи банд қилган фуқаро Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизга тўланадиган ишсизлик бўйича нафакани ва касбга ўқиш даврида стипендияни ололмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига меҳнат гувоҳномаларини олиш учун онлайн-майдончани ишлаб чиксин ва амалиётга татбиқ этсин, уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонига мувофиқ жорий этиладиган «Ягона меҳнат миллий тизими» ахборот тизимига интеграциялашни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari фаолиятини танқидий таҳлил қилсин ҳамда уларнинг негизида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва уларнинг хизматлари (ишлари) потенциал буюртмачилари ўртасида шартнома тузиш учун самарали фаолият кўрсатадиган майдончалар ташкил этиш орқали улар иш усулларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва натижадорлигини ошириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзини ўзи банд қилиш

тартибида меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар нил излаётгани ва таклиф этиладиган хизматлар тўғрисида ўз реклама эълонларини жойлаштиришда меҳнат гувоҳномаси борлиги ҳақидаги маълумотларни мажбурий тартибда кўрсатишни назарда тутувчи тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Қўшимча таҳрирге қаранг.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларидан фойдаланишнинг, шу жумладан, меҳнат стажини ҳисобга олиш ҳуқуқи билан расмий бандлик макомини олишнинг ва рағбатлантирувчи имтиёзлар олишнинг устун жиҳатлари ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини тизимли ва доимий асосда олиб борсинлар.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 июндаги 391-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон)

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф киритсин;

улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Д.А. Қўчқоров ва бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 июль,
566-сон

**Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат
гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. // Вазирлар
Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига**

1-ИЛОВА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини (кейинги ўринларда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши меҳнат мақоми Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, ҳунармандчилик фаолияти субъектлари ва деҳқон хўжаликлари аъзоларига татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ўзини ўзи банд қилганларнинг маълумотлар базаси (регистр) — «Ягона меҳнат миллий тизими» ахборот тизимида ўзини ўзи банд қилганлар сифатида рўйхатга олинган ўзини ўзи банд қилганлар тўғрисидаги ўзаро боғлиқ ахборотни сақлаш, ўзгартириш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган тизимлаштирилган маълумотлар базаси;

вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси (кейинги ўринларда меҳнат гувоҳномаси деб аталади) — меҳнат органи томонидан бериладиган ва фуқаронинг ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатидаги меҳнат мақомини белгилаб берадиган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳужжат;

ишлар (хизматлар) буюртмачилари — ўзини ўзи банд қилган фуқароларни шартнома шартларига ёки иш муомаласи одатларига асосланган хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қиладиган фуқаролар ва юридик шахслар (ташкилотлар);

«Ягона меҳнат миллий тизими» ахборот тизими (кейинги ўринларда ЯММТ деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат ва бандлик масалалари бўйича ахборотни, шу жумладан, фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини бирлаштирадиган, шунингдек, бошқа миллий ахборот тизимлари ва платформалари билан ҳамкорликни таъминлайдиган ахборот тизими;

ўзини ўзи банд қилган фуқаролар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятини мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан вақтинчалик

меҳнат гувоҳномаларини белгиланган тартибда расмийлаштирган жисмоний шахслар;

онлайн-майдон — ўзини ўзи банд қилганлар билан меҳнат органларининг электрон алоқа каналлари орқали ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник ечимларнинг дастурий-аппарат комплекси.

4. Меҳнат гувоҳномаси ариза берувчининг хоҳишига кўра жисмоний шахснинг мурожаати асосида 1 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга берилади.

5. Меҳнат гувоҳномаси берилган санадан бошлаб ва меҳнат гувоҳномасида кўрсатилган муддатнинг амал қилиши тамом бўлгунга қадар бутун даврга амал қилади.

6. Меҳнат гувоҳномасининг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ўзини ўзи банд қилган фуқаро янги меҳнат гувоҳномаси олиш учун такроран мурожаат қилиши мумкин, бунда такрорий мурожаатлар сони чекланмаган.

7. Меҳнат гувоҳномасини бериш учун ўзини ўзи банд қилган фуқаро танлаган амал қилиш муддатига қараб ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ микдорларда ҳақ ундирилади.

8. Меҳнат гувоҳномаси берилганлиги учун тўлов ариза берувчи томонидан меҳнат гувоҳномаси олиш учун ариза берилган вақтда бирйўла тўланади.

9. Меҳнат гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ахборот ЯММТга киритилади. ўзини ўзи банд қилганлар тўғрисида маълумотлар базаси (регистр) яратилади ва параллел равишда ЯММТда шакллантириладиган жисмоний шахснинг шахсий ишга жойлашиши тарихига интеграция қилинади.

10. Меҳнат гувоҳномасининг асл нусхаси ўзини ўзи банд қилган фуқарода уленсия ёшига тўлгунга қадар сақланади, нусхаси эса уни берган меҳнат органида сақланади.

11. Ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган мақомига эга фуқароларни шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди.

12. Меҳнат органлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий органлари ўртасида ахборот айирбошлаш электрон рақамли имзо (ЭРИ) мажбурий тартибда қўлланган ҳолда фақат идоралараро электрон ҳамкорлик орқали амалга оширилади.

13. Меҳнат гувоҳномалари берилганлиги учун тўлов ундиришдан тушган маблағларнинг:

60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳисобига;

20. Ҳолати меҳнат гувоҳномасини бериш ва рағбатлантирувчи имтиёзлар бериш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб аталади);

20. Ҳолати — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.

14. Меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда ўзини ўзи банд қилган фуқаро Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизга тўланадиган ишсизлик бўйича нафакани ва касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида стипендияни ололмайди.

15. Меҳнат гувоҳномалари бланкалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат органлари буюртманомалари бўйича шакллантириладиган буюртмаси бўйича Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига тайёрланади.

16. Ўзини ўзи банд қилиш тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи татбиқ этилмайди.

2-боб. Меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби

17. Меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан фуқароларнинг аризаси асосида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича берилади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан улар доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) ушбу Низомда белгиланган тартибда берилади.

Меҳнат гувоҳномасини бериш учун ариза ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан меҳнат органига шахсан тақдим этилиши, вакили орқали, буюртма хат билан ёхуд электрон шаклда меҳнат гувоҳномаларини олиш учун онлайн-майдонча (кейинги ўринларда онлайн-майдонча деб аталади) орқали юборилиши мумкин.

18. Аризада:

ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

паспорт серияси ва рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

ариза берувчи меҳнат гувоҳномасини олишни хоҳлаган муддат (ойлар сони);

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга улар бўйича вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган тасдиқланган Фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатидан хизматлар (ишлар) турлари (ариза берувчининг хоҳишига кўра) кўрсатилади;

Ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини юритишнинг мўлжалланаётган жойи (худуд) (ариза берувчининг хоҳишига кўра кўрсатилади);

ариза берувчининг почта манзили, мобилъ телефон рақами ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар;

ариза берувчи олишдан манфаатдор бўлган меҳнат органи томонидан тақдим этиладиган имтиёзли хизмат(лар) тур(лар)и кўрсатилади (ариза берувчининг хоҳишига кўра кўрсатилади).

Аризага:

ариза берувчининг 3x4 ўлчамли битта фотосурати;

меҳнат гувоҳномасини бериш учун ариза беришда ариза берувчи томонидан кўрсатилган муддатга мос миқдорда (ойлар сони) меҳнат гувоҳномаси берилганлиги учун белгиланган тўлов тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси илова қилинади.

19. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро онлайн-майдонча орқали ариза берган бўлса, уни тасдиқлаш ўз мобилъ алоқа воситасига қисқа хабар (кейинги ўринларда SMS-хабар деб аталади) олиш орқали олинган тегишли кодни киритиш йўли билан тасдиқланади.

Бунда аризага қуйидаги файллар бириктирилади:

ариза берувчининг 3x4 ўлчамли фотосуратлари;

ариза берувчи меҳнат гувоҳномасини олишни хоҳлаган муддатга (ойлар сонига) мувофиқ миқдорда меҳнат гувоҳномаси берилганлиги учун белгиланган тўлов тўланганлигини тасдиқловчи сканерланган тўлов ҳужжати. Тўловни онлайн-майдонча орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

20. Меҳнат органи уч кун муддатда аризани кўриб чиқади ва ариза берувчини SMS-хабар, ёзма мурожаат, телефон ёки факс орқали қуйидагилар ҳақида огоҳлантиради:

меҳнат гувоҳномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилишда — меҳнат гувоҳномаси бериладиган сана ва вақт тўғрисида;

меҳнат гувоҳномаси беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда — рад этиш сабаби тўғрисида.

Ариза беришда (фотосурат бириктирилган ҳолда) ва онлайн-майдонча орқали тўловни амалга оширишда меҳнат органи ариза берувчини меҳнат гувоҳномаси бериладиган сана ва жой тўғрисида автоматик равишда хабардор қилади.

21. Меҳнат гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

аризада кўрсатилган ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар аниқланганда;

аризада кўрсатилган фаолият турининг ўзини ўзи банд қилган фуқароларга улар бўйича вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган тасдиқланган Фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига мувофиқ эмаслиги;

меҳнат гувоҳномаси бериш учун ариза берилганда ариза берувчи томонидан кўрсатилган муддатга (ойлар сонига) мувофиқ миқдорда меҳнат гувоҳномаси берилганлиги учун белгиланган тўлов тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасининг, ёхуд пул маблағлари тушганлигининг тасдиғи мавжуд эмаслиги.

Тузатилиши мумкин бўлган хатолар аниқланиши оқибатида меҳнат гувоҳномасини бериш рад этилган тақдирда, ариза берувчига уч иш куни мобайнида тегишли тузатишларни амалга ошириш имконияти берилади.

Меҳнат гувоҳномасини бериш узил-кесил рад этилганда меҳнат гувоҳномасини бериш учун тўланган пул маблағлари тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб ўн иш куни мобайнида ариза берувчи томонидан кўрсатилган ҳисоб рақамига қайтарилиши керак.

22. Йўқотилган ёки яроксиз ҳолга келиб қолган меҳнат гувоҳномаси ўрнига ўзини ўзи банд қилувчининг меҳнат органига берган аризаси бўйича меҳнат гувоҳномасининг дубликати берилиши мумкин. Бунда меҳнат гувоҳномаси дубликати тайёрланганлиги учун белгиланган базавий ҳисоб-китоб миқдорининг ўн фоизи миқдорида харажатларни қоплаш учун тўлов ундирилади.

3-боб. Ўзини ўзи банд қилганлар ва уларнинг хизматларидан (ишларидан) фойдаланувчилар ўртасидаги фуқаролик- ҳуқуқий муносабатлар.

23. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва уларни хизматлар кўрсатиш ҳамда ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда хизматлар ва ишлар буюртмачилари деб аталади) ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шартнома шартларига ёки иш муомаласи одатларига асосланади.

24. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро билан хизматлар ва ишлар буюртмачиси ўртасидаги:

иш муомаласи одатларига асосланган ўзаро муносабатларда — оғзаки шаклда битим (шартнома) тузишга йўл қўйилади;

шартнома шартларига асосланган ўзаро муносабатларда — ёзма шаклда шартнома тузиш талаб этилади.

25. Битим (шартнома) тузишда томонлар унинг шартларини, шу жумладан, ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш ва уни тугатиш шартларини мустақил белгилаб оладилар.

26. Битим (шартнома) иштирокчилари унинг томонлари ҳисобланадилар, мажбуриятлар қабул қиладилар ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ жавоб берадилар.

27. Битимни (шартномани) бажариш билан боғлиқ низолар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёки суд тартибида ҳал этилади.

4-боб. Меҳнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқароларга рағбатлантирувчи имтиёзлар бериш тартиби

1-§. Меҳнат гувоҳномасининг амал қилиш даврини меҳнат стажига ҳисобга олиш

28. Меҳнат гувоҳномасида кўрсатилган ўзини ўзи банд қилиш тартибидаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш даври «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишдан пайтдан бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш стажига ҳисобланади.

29. Меҳнат гувоҳномаси берилган сана пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига ёзиладиган даврнинг биринчи куни, меҳнат гувоҳномасида кўрсатилган амал қилиш муддати тугайдиган сана ушбу даврнинг охириги куни ҳисобланади.

30. Ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолияти амалга оширилиши давларини тасдиқлаш учун Пенсия жамғармасининг тегишли бўлими уч кун муддатда ўзини ўзи банд қилувчининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ЯММТдан сўрайди ва олади.

31. ЯММТда жамланадиган, ўзини ўзи банд қилган фуқаронинг маълумотлар базасидан (регистрдан) ва жисмоний шахсни ишга жойлаштириш шахсий тарихидан олинган маълумотлар ҳам ўзини ўзи банд қилиш тартибида ишга жойлаштиришнинг тегишли даврини пенсия ҳисоблаб чиқариш учун жисмоний шахснинг меҳнат стажига ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади. Бунда берилган меҳнат гувоҳномаларини тақдим этиш орқали бу маълумотларни тасдиқлаш талаб этилмайди.

32. Меҳнат гувоҳномасининг амал қилиш даври бу даврда ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолияти амалда бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигидан қатъи назар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажига ҳисобланади.

33. Ўзини ўзи банд қилганларга пенсия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тайинланади.

2-§. Меҳнат гувоҳномаларини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқароларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан имтиёзли микрокредитлар бериш

34. Тижорат банклари томонидан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига имтиёзли микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 июлдаги

ПҚ-3856-сон қарорида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилади.

35. Меҳнат органлари камида олти ой амал қиладиган муддатга меҳнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқароларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун тижорат банкларига тавсиялар берадилар.

36. Ўзини ўзи банд қилганларга имтиёзли микрокредит бозор иқтисодиёти принципларидан келиб чиқиб, техник-иқтисодий асосларни ва кредитни қайтариш салоҳиятини ҳисобга олиб, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериш учун тасдиқланган Фаолнят (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатида назарда тутилган фаолият (ишлар, хизматлар) тур(лар)ини амалга ошириш ва ривожлантириш мақсадларида ажратилади.

37. Ўзини ўзи банд қилганларга микрокредитлар меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда ажратилади.

3-§. Ўзини ўзи банд қилганларни ўқитишни ташкил этиш

38. Меҳнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларни касбга ўқитиш марказларида, касб-хунар коллежларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги «Ишга марҳамат» банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатиш мономарказида, бошқа касбга ўқитиш марказларида, шу жумладан, нодавлат касбга ўқитиш марказларида (кейинги ўринларда касбга ўқитиш марказлари деб аталади) уч ойгача давом этадиган қисқа муддатли касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш, шунингдек, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш курсларида (кейинги ўринларда касбга ўқитиш деб аталади) бепул ўқитилади.

39. Касбга ўқитиш марказларида ўзини ўзи банд қилганларни касбга ўқитишни ташкил этиш ва ўқитиш учун харажатлар Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

40. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро ўқишдан ўтиш учун олдин меҳнат гувоҳномасини берган меҳнат органига ўқиш йўналишини ва ўқиш бошланадиган тахминий санани кўрсатган ҳолда мурожаат қилади.

41. Меҳнат органи ўзини ўзи банд қилган фуқаронинг мурожаати асосида тегишли ўқитиш дастурларини танлайди ва зарур дастурлар бўлганда ўзини ўзи банд қилган фуқарога тегишли касбга ўқитиш марказига йўлланма беради.

42. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро(лар)ни ўз(лар)и танлаган йўналиш(лар) ва муддатлар бўйича касбга ўқитиш марказига касбга ўқитиш учун юбориш имконияти бўлмаганда меҳнат органи касбга ўқитиш марказларида ўқитишнинг тегишли йўналишлари бўйича ўқув гуруҳлари ташкил этиш учун буюртманомани шакллантиради.

4-§. Ўзини ўзи банд қилганларни жамоат ишларига жалб қилиш ва меҳнат қуроллариини ижарага бериш

43. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро ўз хоҳишига кўра жамоат ишларига белгиланган тартибда жалб қилиниши мумкин.

44. Меҳнат органлари ўзини ўзи банд қилганларга меҳнат қуроллариини (мотокультиваторлар, ўт ўриш ўроқ машиналари, перфораторлар, пайвандлаш аппаратлари, ўсимликларга ишлов бериш қурилмалари, дурадгорлик, чилангарлик ва қурилиш ускуналари ва хоҳазоларни), шахсий ҳимоя воситалариини ва иш кийимини имтиёзли асосда бериш пунктлариини ташкил этади.

45. Ўзини ўзи банд қилганларга имтиёзли асосида бериш учун меҳнат қуроллари ва шахсий ҳимоя воситалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилинади.

5-боб. Яқинловчи қоидалар

46. Вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

47. Вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси амал қиладиган даврда ўзини ўзи банд қилган фуқаро меҳнат шартномасида кўрсатилган фаолият (хизматлар, ишлар) тур(лар)идан ташқари ўзини ўзи банд қилган фуқароларга улар бўйича вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган тасдиқланган Фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилган исталган бошқа фаолият (хизматлар, ишлар) турлариини амалга оширишга ҳақлидир.

48. Ўзини ўзи банд қилганлар томонидан кимёвий ва осон портлайдиган моддаларни қўллашни талаб қиладиган хизматлар (ишлар) бажарилишига йўл қўйилмайди.

49. Ўзини ўзи банд қилиш тартибида ишларни бажарувчи шахслар билан ёки улар иштирокида юз берган бахтсиз ҳодисалар ва соғлиққа етказилган бошқа зарарлар «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ текширилиши ва ҳисобга олиниши лозим.

50. Буюртмачи — юридик шахс ўзини ўзи банд қилган шахсга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун меҳнатга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда хавфсиз шарт-шаронтларни таъминлаши шарт.

51. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатга олишни ва меҳнат гувоҳномаси беришни рад қилиш билан боғлиқ юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

52. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат
гувоҳномасини бериш схемаси**

Босқичлар	Субъект	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ўзини ўзи банд қилган фуқаро	Ўзини ўзи банд қилган фуқаронинг вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини олиш учун тегишли меҳнат органига 3x4 ўлчамли фотосуратни илова қилган ҳолда ариза (қоғоз ёки электрон шаклда) беради.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Меҳнат органи	1. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлигини текширади. 2. «Ягона меҳнат миллий тизими» ахборот тизимига маълумотларни киритади ва аризани рўйхатга олади. 3. Ариза берувчига: гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда — гувоҳнома бериладиган сана ва жой; гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда — рад этиш сабаби тўғрисида sms-хабар юборади.	Ариза тушганидан кейин 3 иш куни мобайнида
3-босқич	Ўзини ўзи банд қилган фуқаро	1. Паспортнинг рақами ва сериясини ҳамда СТИРни кўрсатган ҳолда белгиланган миқдорда тўлов тўлайди. 2. Меҳнат органида шахсан ўзи ёки вакили орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаронинг расмийлаштирилган вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини олади.	Ариза берилган санадан бошлаб 3 иш кунин мобайнида

3-ИЛОВА

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат
гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари
рўйхати // Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-
сон қарорига 3-ИЛОВА

Т/р	Фаолият (хизматлар, ишлар) турининг номи	Фаолият (хизматлар, ишлар) тури коди*
1.	Уйда репетиторлик қилиш — болалар ва катталар билан таълим фанлари бўйича яқка тартибда ва гуруҳ бўлиб машғулотлар ўтказиш	О'О'В — 1.1.1
2.	Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар	О'О'В — 1.1.2
3.	Беморлар ва ўзгалар парваришига мухтож кекса шахсларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар	О'О'В — 1.1.3
4.	Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш	О'О'В — 1.1.4
5.	Хизмат биноларини тозалаш, юридик шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	О'О'В — 2.1.1
6.	Уйда мебелларни таъмирлаш ва йиғиш	О'О'В — 1.1.5
7.	Мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, таъмирлаш-қурилиш ишлари (бетон қуйиш, бўёкчилик, сувоқчилик, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)	О'О'В — 1.2.1
8.	Сантехника ускунасини майда таъмирлаш ва ўрнатиш	О'О'В — 1.2.2
9.	Квартира ичида (шахсий қурилиш ишларида — уй ичида) электр монтаж ишлари (электр хавфсизлиги бўйича рухсат бўлганда)	О'О'В — 1.2.3
10.	Дехқон ва фуқароларнинг томорқа участкаларида ер чопиш ва рекультивация ишлари	О'О'В — 1.3.1
11.	Фермер хўжаликлари эгалари буюртмаси бўйича кишлоқ хўжалиги ишлари (кишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларга қараб туриш, кишлоқ хўжалиги экинларини йиғиш ва бошқа кишлоқ хўжалиги ишлари)	О'О'В — 1.3.2
12.	Фуқароларнинг дала-ховли ва томорқа участкалари ландшафтини тузиш ишлари	О'О'В — 1.3.3

13.	Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йигиб олишда деҳқон ва томорқа участкалари эгаларига ёрдам бериш	O'O'B — 1.3.4
14.	Чорва молларини ўтлатиш, уларга қараб туриш	O'O'B — 1.3.5
15.	Компьютерларни таъмирлаш ва созлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш, сайтларни, компьютер дизайнини ишлаб чиқиш, тизим маъмури хизматлари	O'O'B — 1.4.1
16.	Буюртмачининг уйида бажариладиган маиший техникани таъмирлаш	O'O'B — 1.4.2
17.	Автомобилларни майда таъмирлаш	O'O'B — 1.4.3
18.	Автомобиль ювиш, автомобиллар кузовларини силлиқлаш	O'O'B — 1.4.4
19.	Механизация воситаларини қўлламай бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари	O'O'B — 1.5.1
20.	Макулатура, пластик идиш, темир-терсак ва қўшимча хом ашё тўплаш	O'O'B — 1.5.2
21.	Халқ таъбири (лицензияси бўлганда)	O'O'B — 1.6.1
22.	Бош хизматкор ва консъерж хизматларини кўрсатиш	O'O'B — 1.7.1
23.	Товарларни етказиб бериш, экспедиторлик хизматлари кўрсатиш, шу жумладан, шахсий транспортдан фойдаланиб етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)	O'O'B — 1.8.1
24.	Хизмат биноларини тозалаш, юридик шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	O'O'B — 2.1.1

* Фаолият (хизматлар, ишлар) тури коди ўзини ўзи банд қилган фуқаронинг вақтинчалик меҳнат гувоҳномасида кўрсатилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар.// Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига 4-ИЛОВА**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 10-банди «б» кичик бандида:

а) қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилганлиги учун олинган маблағларнинг 60 фоизи»;

б) саккизинчи хатбоши тегишли равишда тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандига қуйидаги мазмундаги кичик банд қўшилсин:

«р) ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасининг асли ёки дубликати».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга мухтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон қарорида:

а) 2-илованинг 4-позицияси «Маълумотлар мазмуни» устунига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун амалдаги вақтинчалик меҳнат гувоҳномасига эга бўлган фуқароларининг ўртача йиллик сони»;

б) 4-илова 9-бандининг тўртинчи хатбошига «деҳқон хўжалиги аъзолари» сўзларидан кейин «ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасига эга бўлган фуқаролар» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 12-сон, 320-модда):

а) 1-илованинг 10-банди 2-кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини амалга оширишда фуқароларга кўмаклашади, уларнинг рўйхатга олинишини ва уларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилишини белгиланган тартибда таъминлайди, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга рағбатлантирувчи имтиёзлар бериш чораларини кўради»;

б) 2-иловада:

6-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари
бланкаларини реализация қилишдан ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга
вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари беришдан тушган даромадлар»;

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўттиз тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат
гувоҳномасини олган фуқароларга рағбатлантирувчи имтиёзлар бериш»;

ўттиз тўртинчи хатбоши ўттиз бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2019 й.,
07/19/366/3396-сон; 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 йил 8
июнь, “ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД
ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ
СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ПҚ-4742-
сон ҚАРОРИ**

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди.

2. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ кенгайтирилсин.

3. 2020 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фонзи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

4. Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш;

контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб

фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи мобилъ иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш;

мобилъ илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар — тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинади;

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда якка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2021 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан қуйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган «Бизнес навигатор» ахборот тизимини жорий қилсин:

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутсин:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб боровчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ қилиш.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июнь,
ПҚ-4742-сон

Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига илова

1. Уйда репетиторлик қилиш — болалар ва катталар билан таълим фанлари бўйича яқка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб машғулотлар ўтказиш
2. Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
3. Беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
4. Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш
5. Хоналарни тозалаш, жисмоний шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
6. Уйда жисмоний шахсларнинг мебелларини таъмирлаш ва йиғиш
7. Жисмоний шахсларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, гишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)
8. Жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майда таъмирлаш ва ўрнатиш
9. Жисмоний шахсларга квартира ичида (шахсий қурилиш ишларида, — уй ичида) электр монтаж ишлари (электр хавфсизлиги бўйича, руҳсати бўлганда)
10. Дехқон ва фуқароларнинг томорка участкаларида, ер чопиш ва рекультивация ишлари
11. Фермер хўжаликлари эгалари буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари (қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари)
12. Фуқароларнинг дала-ховли ва томорка участкалари ландшафтини барпо этиш ишлари
13. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб олишда дехқон ва томорка участкалари эгаларига ёрдам бериш
14. Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш
15. Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш
16. Буюртмачининг уйида бажариладиган маиший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш

17. Жисмоний шахсларнинг шахсий автомобилларини майда таъмирлаш, уларга аксессуарлар ва автосигнализация ўрнатиш, ғилофлар ва пол копламаларини тикиш
18. Жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювиш, автомобиллар кузовларини силликлаш
19. Механизация воситаларини қўлламай, уйда бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари
20. Макулатура, пластик идиш, темир-терсак ва қўшимча хом ашё тўплаш
21. Халқ таъбири (лицензияси бўлганда)
22. Хусусий шахсларга бош хизматкор ва консьерж хизматларини кўрсатиш
23. Шахсий транспортдан фойдаланиб, жисмоний шахсларга товарларни ётказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)
24. Бозорлар ва савдо комплексларида майда юкларни араваларда ташиш
25. Илгари фойдаланилган товарларни сотиб олиш ва сотиш
26. Велосипедларни таъмирлаш
27. Ёғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар)
28. Рассомлик
29. Металл таъмирлаш ишлари (уйда амалга ошириладиган маиший металл буюмларини таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларини оддий таъмирлаш)
30. Уйда попкорн, фрезерда музқаймоқ тайёрлаш ва сотиш
31. Деҳқон бозорларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
32. Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
33. Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр хизматлари
34. Косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
35. Уйда кир ювиш ва дазмоллаш хизматлари
36. Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирлаш, аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереяси буюмларини тикиш
37. Газламаларга нақшлар солиш (газамалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш)
38. Аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
39. Якка тартибда дераза ва эшик пардаларини тикиш ва таъмирлаш, каштачилик
40. Галантерея буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
41. Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
42. Калитлар тайёрлаш
43. Ўлчов воситалари тайёрлаш ва ижарага бериш

44. Гулчамбарлар (шу жумладан, мотам гулчамбарлари), суғий гуллар, икебана, гул маржонларини тайёрлаш
45. Тўсиқлар, хайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
46. Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
47. Аквариум баликлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш
48. Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
49. Видео ва фотосуратга олиш хизматлари
50. Кадоклаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш
51. Миллий нон ва патирларни тайёрлаш ва сотиш
52. Салатлар ва тузламаларни тайёрлаш ва сотиш, шунингдек, уй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойларини ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда сотиш
53. Уйда қуйиб сотиш учун салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда қурт тайёрлаш ва сотиш
54. Тўғарақлар ташкил этиш ва юритиш
55. Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
56. Гуллар ва декоратив дарахтлар етиштириш ва сотиш (шу жумладан бонсай санъати)
57. Реклама буклетларини тарқатиш, уйда операторлар томонидан буюртмалар қабул қилиш
58. Муқовалаш ишлари
59. Намойишларда кийимлар моделини намоиш қилиш, расмли журналларда, реклама фильмлари ва видео клипларда суратга тушиш
60. Экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш хизматлари
61. Матнни яратиш ва ишлов бериш (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, мусахҳих, контент-менежер, муҳаррир, e-mail орқали хатларни жўнатиш бўйича мутахассис, спичрайтер, транскрибер ва бошқалар)
62. Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, сухандон, фото муҳаррир ва бошқалар)
63. Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис)

- 64.Таржима қилиш хизматлари (бадний адабиётни таржима қилиш, техник таржима, веб-сайтлар, фильмлар, компьютер ва мобил иловалар, тақдимотлар, видео, аудио ва рекламалар таржимаси)
- 65.Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетолог, линк-менежер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси)
- 66.Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансерлар гуруҳи раҳбари, HR-менежер, рекрутер, шахсий ассистент)
- 67.Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи)

Изоҳ:Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2020 й.,
07/20/4742/0736-сон)*

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1.	Ўзини ўзи бандлигини таъминлашнинг моҳияти	5
2.	Фрилансинг тушунчасининг мазмуни	9
3.	Ўзини ўзи банд қилишнинг 7Р модели	13
4.	Оила ҳўжалигида ўзини ўзи банд қилиш гамоийли асосида бандлик муаммосини ҳал қилиш йўллари	21
5.	“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш вазифалари	27
6.	Маҳалла институтини такомиллаштириш аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш имконияти	30
7.	Ўзини ўзи банд қилиш: камбағаллик ва ишсизликни тугатишнинг муҳим омили	41
8.	Адабиётлар рўйхати	46
9.	1-ИЛОВА. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сон қарори	48
10.	2-ИЛОВА. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига. 1-ИЛОВА “Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида Низом”	51
11.	3-ИЛОВА. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш схемаси	59
12.	4-ИЛОВА. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорига 4-ИЛОВА “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар”	62
13.	5-ИЛОВА. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	64
14.	6-ИЛОВА. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарориганлова. Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати	67

**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
Параев Олим Мамаюнусович
Парасва ОзодаМамаюнусовна**

Ўзини ўзи банд қилиш йўллари

Услубий тавсия

**Мухаррир: Мамаюнус Пардаев
Корректор: Ҳилола Очилова
Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова
Дизайнер: Қобилжон Джураев**

*Самарқанд иқтисодий ва сервис институти илмий услубий
кенгашида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган.
(№1. 29 август 2020 йил)*

Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 72 бет.

25.08.2020 йилда босишга рухсат этилган. Офсет босма табоғи.
Қоғоз бичими 60x84_{1/16} “Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Шартли босма табоғи 4,5. Ҳисоб нашр табоғи 4,3 б.т.
Адади 100 нусха. Буюртма № 26/20

“Наврўз полиграфия” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3227 30.08.2019 йил
Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаева кўчаси, 38 уй.

10 000

68